

# Ҳуқуқ



1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-йил 7-yanvar, №1 (990)

## Оила бахтли бўлса, жамият мустақкам бўлади

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Ўзбекистондаги бугунги аҳволни дунёдаги бошқа давлатлар билан қиёслаб солиштириш асосида АҚШда фаолият кўрсатаётган, катта обрўга эга бўлган, Гэллуп институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" деган мавзуда 2015 йилда эълон қилинган тадқиқот материалларига алоҳида эътибор қаратди.



сафга терилган дурдай янги ниҳоллар бўй кўрсатмоқда. Бу янгиланишлар беихтиёр кўнглингизга кўчади. Қалбингизда янги-янги орзулар, эзгу мақсадлар пайдо бўлаверадими...

Дўппини бошдан олиб, бир ўйлаб кўрайлик. Дунёнинг оловли нуқталарида бундай улғувор ўзгаришлар одамларнинг тушига ҳам кирмайди. Портлаб, вайронга айланган шаҳару қишлоқлар, мактаблар, шифохоналар, ўқ ёмғирлари остида юрак ховучлаб кун кечиршига мажбур бўлаётган одамлар, аёллар, болалар... Мактабу коллежга ўқишга бориш у ёқда турсин, уйқуга кетишдан олдин эрта тонгни тинч қарши олишига ҳам ишонмай қолган ёшлар... Жаҳон ахборот агентликларининг хабар беришича, Сурияда бир чақалоқ жароҳатланган она қоридан автомат ўқи билан бирга туғилган. Туркиядаги қочқоқлар лагерига келтирилган, кўз ўнгига яқинларидан айрилган бир суриялик бола мухбирнинг фотоаппарати қошида додлаганича таслимлик маъносиде кўллари кўтарган... Бу даҳшатли манзаралар сизга нималарнидир аңлатмайтими? Қани, айтинг, бундай осойишта кунлар яна қайда бор? Қайси юрtdа болалар оппоқ тонгни мана шундай бежавотир кутиб олади?

Таъкидланишича, ушбу нуфузли ташкилот шу йўналиш бўйича ўз хулосасини чиқариш учун жаҳон миқёсида 141 та мамлакатда сўров ўтказиб, катта ёшдаги 142 миң шахснинг фикрини ўрганган. Сўровномада 3 та савол ўртага қўйилган.

"Бизнинг мамлакатимиз, Ўзбекистонимиз бу сўровнома натижаларига кўра, дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллаганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашимиз лозим, — деб

қайд этди Президентимиз ўз маърузасида. — Бизнинг бундай ўта муҳим масала, яъни юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш бўйича мана шундай юксак даражага кўтарилганимиз, бу соҳада олиб бораётган ишларимиз халқро миқёсда кенг эътироф этилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга гурур ва ифтихор етказди".

Кўнгилабга чексиз мамнуният бахш этадиган бу далилларни таҳлил қилиб, беихтиёр юртимизнинг мусаффо ва осуда осмони остида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари кўз олдингизга келади. Биргина воҳамиз марказидаги янгиланишларга назар солинг. Кўҳна ва навқирон Қарши шаҳри янгиланишлар оғушида кун-

дан-кун ўзгача чирой очиб бормоқда. Шаҳарнинг барча бурчакларидан кўтарма кранлар миноралари кўзга ташланиб туради. Кўчалару хиёбонларда бунёдкорлик гулдуроси янграйди. Эски, пасткам иморатлар бузилиб, ўрнида бири-биридан кўркам, мухташам бинолар қад ростлаб бораёпти. Тарвақайлаб кетган бесўнақай дарахтлар ўрнида

/Давоми 3-бетда/

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 27 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2015 йил 3 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9,

248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **52-модданинг тўққизинчи қисмидаги** "ва қатъий белгиланган солиқни" деган сўзлар "қатъий белгиланган солиқни ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғар-

масига сугурта бадалларини" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **59-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилшини таъминлаш чоралари жумласига қуйидагилар кирди:

юридик шахслар, шунингдек тadbirkorлик фаолиятига доир қисм бўйича яқка тартибдаги тadbirkorлар учун — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати тугагандан кейин уч иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органи томонидан уларга юбюриладиган солиқ қарзини тўлаш тўғрисидаги талабнома;

жисмоний шахслар учун, бундан тadbirkorлик фаолиятига доир қисм

бўйича яқка тартибдаги тadbirkorлар мустасно, — солиқ мажбуриятларини бажариш муддатлари тугагандан кейин давлат солиқ хизмати органининг жисмоний шахсдан солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ариза билан судга муурожаат қилиши, бундан солиқ қарзининг суммаси ундирувни мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган ҳоллар мустасно";

3) **61-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** "юридик шахс" деган сўзлардан кейин "шунингдек тadbirkorлик фаолиятига доир қисм бўйича яқка тартибдаги тadbirkor" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

/Давоми 6-7-бетларда/

# Ҳар бир муурожаат эътиборимизда

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни фуқароларнинг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига муурожаат этиши борасидаги ҳўқуқларини янада кенгайтирди.

Асосий Қонунимизнинг 19-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳўқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳўқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳўқли эмас", дейилади.

Давлат органларига қилинаётган муурожаатларнинг аксариятини шикоятлар ташкил этади. Масалан, 2015 йилнинг 11 ойи давомида Эллиққалъа туман прокуратурасига жисмоний ва юридик шахслардан жами 325 та муурожаат келиб тушган. Шундан

165 таси ҳўқ қилиниб, 65 таси қаноатлантирилган. 99 таси бўйича тушунтиришлар берилиб, 160 та ариза тегишлилиги бўйича жойларга юборилган. Натижада 65 нафар шахсининг бузилган ҳўқуқлари тикланган. Текширишлар натижаси бўйича 10 нафар шахс интизомий ва 9 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Етказилган 5 млн. 269 минг сўм зарар ихтиёрли қопланган.

Туман прокуратурасида ишонч телефонлари орқали билдириляётган, фуқароларимизни қийнаётган муаммолар зудлик билан ҳўл қилинапти. Жумладан, туманнинг "Навоий" овул фуқаролари йиғинида яшовчи фуқаро Тамара Сағидуллаева

ва туман прокуратурасининг "Ишонч телефони"га туман почта алоқа тармоқлари томонидан қизи Арзайим Сағидуллаеванинг қаромоғидаги вояга етмаган икки нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент пуллари кечиктириляётганлиги тўғрисида муурожаат қилди. Аниқланишича, ушбу алимент пуллари туман почта алоқа бўлимига 2015 йил 15 октябрь куни келиб тушган. Лекин туман почта алоқа тармоқлари бўлими бошлиғи Ж.Фахрутдиновнинг эътиборисизлиги туфайли алимент пуллари ўз вақтида тўланмасдан келинган. Туман прокуратурасининг аралашуви билан Т.Сағидуллаеванинг муурожаати қаноатлантирилди ва туман почта алоқа бўлими бошлиғи Ж.Фахрутдинов интизомий жавобгарликка тортилди.

2015 йилнинг 23 август куни тумандаги "Эллиқ-

қалъа" овул фуқаролари йиғини худудида фаолият юритаётган "Бўстон 106" фермер хўжалиги раҳбари Г.Шарипов пахта ва шоли майдонларини суғуррадиган сув насосининг ички қурималарини туман электр тармоқлари ходимлари қарздорлиги боис олиб кетганлиги тўғрисида муурожаат қилди. Туман прокуратураси томонидан мазкур муурожаат бўйича текшириш олиб борилиб, туман электр тармоқларининг "Эллиққалъа" овул фуқаролари йиғини худудида қарашли 1-сонли бўлим бошлиғи Ш.Кабуловнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан маъмурий иш қўзғатилди ва Г.Шариповнинг муурожаати қаноатлантирилди.

Шунингдек, тумандаги "Амиробод" овул фуқаролари йиғини худудида яшовчи фуқаро И.Атаджановнинг техникаларга сервис хизматини кўрсатувчи дўкон қуриш

Улғубек АЛЛАБЕРГЕНОВ,  
Эллиққалъа туман  
прокурорининг ёрдамчиси

учун ер майдони ажратиб беришни сўраб туман архитектура бўлимига ёзма равишда қилган муурожаати эътиборсиз қолдирилган. Муурожаат туман прокуратураси томонидан ўрганилганида фуқаро И.Атаджановнинг аризаси ўз ҳўлига ташлаб қўйилганлиги аниқланди. Шуларга асосланиб, туман архитектура бўлими бошлиғига нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилди.

Хўлоса қилиб айтганда, муурожаатлар бир томондан аҳўли муаммоларга беварақ эмаслигидан, иккинчи томондан, фуқароларнинг прокуратура органларига ишонч билан қараётганидан дарак беради. Ушбу ишонччи оқлаш бизнинг бурчимиздир.

Юртбошимиз томонидан 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинганлиги давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида вояга етмаганлар ва ёшлар тарбияси, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги ислохотларни тизимли, босқичма-босқич амалга ошириш стратегиясининг давоми бўлади.

## Болажонлар қувончи чексиз

Эркин ХАЙТОВ,  
Самарқанд вилоят прокурорининг ёрдамчиси

Шўнга кўра, Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳўзуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси ва мутасадди идоралар билан ҳамкорликда вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳўмоясини таъминлашга қаратилган туркум тадбирлар бошлаб юборилди. Бу борада алоҳида эътибор ота-она қаромоғидан маҳрум бўлган ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларига қаратилмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" деб номланган 2016 йилнинг бошланиш арафасида вилоят ҳокимлиги ҳўзуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди идоралар томонидан катта хайрия тадбири ўтказилди.

Янги йил байрами арафасида Самарқанд шахрининг марказига ўрнатилган катта арча атрофидаги "Янги йил араси" хайрия тадбирига ота-она қаромоғидан мосуво бўлган, кам таъминланган, қўп болали оилаларнинг, ота-оналари жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган шахсларнинг фарзандлари ҳам тақлиф этилди.

Тадбирга вилоятнинг барча шахар ва туманларидан 400 дан ортқ болалар тақлиф этилиб, уларнинг ҳар бирига қишки кийим-кечаклар, пойфазал, ўйинчоқлар ва бошқа янги йил байрами совгалари вилоят раҳбарлари, ҳокимлик ҳўзуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва бошқа масъуллар томонидан топширилди. Қорбобо, Қорқиз ва бошқа эртак қаҳрамонлари иштирокида катта байрам концерти намойиш этилди.

Бу хайрия тадбирлари болажонларга олам-олам қувонч, завқ-шавқ бағишлади.

## Ўттиз миллион сўмлик алимент

Оталик — катта бахт. Буни тўғруқхона ёнида "ота бўлдим" деб қувончдан қийираётганлардан сўранг. Буни ўнаиб фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказган, ўйли-жойли қилиб, элга қўшган табарруқ отахонлардан сўранг. Ё бўлмаса, тирноққа зор бўлиб, дардини ичига ютиб, армон билан яшаётганлардан сўранг...

Ботир МЎМИНОВ,

Чироқчи туман прокуратураси терговчиси

Оталик катта бурч, мажбурият ва масъулият ҳам... Шу оддийгина ҳақиқатни ҳам унутиб қўяётганлар борлиги кишини ўйга толдиради. Шержон Бекмуродов ҳам ана шундай "ота"лардан бири. У нақд саккиз йил давомида вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминотидан бўйин товлаб келди.

Ш.Бекмуродов айна пайтда ўттиз саккиз ёшда. Оилали, 4 нафар фарзанди бор. Ҳеч қаерда ишламайди. Муқаддам Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан унга нисбатан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган. Уталмай қолган 2 йил 2 ой 21 кун жазо муддати мавжуд эди.

Шержон билан Шоҳида 1999 йилда турмуш қуришди. Бири-биридан ширин фарзандлар туғилди. Ёш ота-она уларни сўйиб яхши исмлар беришди — Асқарали, Шаҳризода. Аммо ўзаро келишмовчилик туфайли оилага дарз кетди. Оқибатда улар ажрашди. Онаси билан қолган болалар мунғайиб қолишди. Шержон Чироқчи-

да бошқа аёлга ўйланиб олди. Яна фарзандли бўлди. Шоҳида эса болалари билан ижарама-ижара сарсон бўлиб, қийналиб кетди. Охири фуқаролик ишлари бўйича туман судига муурожаат қилди. Суд алимент ўндириш ҳақида қарор чиқариб берди. Шержон алимент тўлашдан қочиб, Шоҳида билан ярашиб олди. Бир муддат собиқ оиласига келиб-кетиб юрди. Сўнг Россияга ишлаш учун кетиб, қайта қорасини кўрсатмади. Болалар яна таъминотсиз қолди. Шоҳиданинг илтимос-у таваллолари ҳам бесамавр кетди.

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судига Шержон Бекмуродовнинг мазкур иши кўрилди. Аниқланишича, Шержон фуқаролик ишлари бўйича туман судининг 2007 йил 25 апрелдаги буйруғига асосан икки нафар фарзандига алимент тўлаши зарурлиги ҳўсулда оғохлантирилган экан. Аммо парвойи фалак ота 2007 йил 12 февралдан 2015 йил 24 июнга қадар фарзандларининг моддий таъминоти учун жами 30 млн. 444 минг сўм миқдориди али-

ментни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Судда Шержон айбига қисман икромлик билдирди. Шоҳида билан ажрашиб кетганларидан сўнг ҳам фарзандларига имкон даражасида ёрдам кўрсатиб келганини, хорижда ишлаётган маҳалида ҳам пул юбориб турганини, моддий имконияти бўлмагани сабабли алимент пулини тўлай олганини қайд этди.

Шержон Бекмуродовнинг жиноят иши ижро варақаси, мол-мулкни рўйхатга олиш ва хатлаш ҳақидаги даролатнома, тилхат, расмий оғохлантирилган, маълумотнома, алимент қарзини ҳисоблаш ҳақидаги қарорлар ва бошқа бир қатор далиллар йиғиндисини билан тасдиқланди.

Ҳўқ ўқилди. Шержон Бекмуродовга Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан аввалги ўталмай қолган ахлоқ тузатиш жазоси қамоқ жазосига тенглаштирилган ҳўлда қисман қўйилиб, ушл-кесил олти ой қамоқ жазоси тайинланди. Ундан тўланмай қолган алимент пули Шоҳида Бекмуродовнинг фойдасига ўндириладиган бўлди.

## Бекатдаги долларфурушлар

Таассуфки, ҳамма ҳам фаровонлигини, тўкин ҳаётни ҳўлол меҳнат ва ҳаракатдан излама экан. Қўнғир йўларга қадам ташлаб, мақсадига ноқонуний бўлса-да, етмоқчи бўлганлар эса пушаймонликдан ўзга ҳеч нарсасга эришмайди.

Сайдулло СОБИРОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Наманган вилоят бошқармаси инспектори

Шокир Фаниев ва Аҳмад-жон Аюпов ҳам (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бугун пушаймонлик остонасида. Бироқ уларнинг қора қурсида ўтириб, "Пушаймонмиз, бизга енгиллик беринг", дея ёлвориларига негадир ишонинг келмайди. Боси, ҳар иккиси ҳам муқаддам бир неча бор судланиб, жиноий жавобгарликка тортилган, амнистия актига асосан жазодан озод этилганди. Улар шундан хўлоса чиқарсалар бўларди. Бироқ бундай бўлмади. Айна меҳнат, ҳаракат ва шижоат билан ўзини кўрсатадиган даврда улар яна эгри йўлга оралаб, жиноятга қўл уришди. Бу гал Наманган шаҳрида яшовчи Асал Иброҳимова-ни ҳам ўзларига шерик қилиб олишди.

"Келинимнинг пулини долларга айлантириш керак экан", деди бир куни Асал Иброҳимова Ш.Фаниевга қўнғироқ қилиб.

— Қанча экан? — бошида ҳўшламайгина сўради валютафуруш.

40 миллион сўмнинг дарагини эшитиб, Ш.Фаниев жонланиб қолди. "Гал йўқ, ола, муаммони дарров ҳўл қилмиз. Фақат... Шўнча пулни "Чорсу" атрофига олиб келиш хавфли. Ундан кўра, "Тошкент питак"ка келоларимиз келинимизгиз?"

Валютафурушлар "Тошкент питак" деб аталувчи "Динамо" ўйингоҳи рўпарасига келишди. Дам ўтмай "Матиз" автомашинасида А.Иброҳимова бир аёл билан келиб, уларнинг ёнида тўхтади. Саломлашишга, телефондаги келишувга асосан А.Иброҳимова ёнидаги аёл-

дан целлофанга ўралган пулни олиб, Ш.Фаниевга узатди. Йигитлар пулни санаб олишга киришар эканлар, А.Аюпов 10 минг АҚШ долларини аёлга берди.

Ҳамтовоклар машинада пуллари санашга киришди. Айна пайтда уларнинг ҳар бири ушбу "операция" ортидан топадиган ўз "улуши" ҳақида ўйлар, дам-бадам атрофга олазарак боқиб қўйишарди.

Ниҳоят, ишни ақунлашди. Аммо... Кутилмаганда СВОЖДЛҚК департаментининг Наманган вилоят бошқармаси ходимлари пайдо бўлишди. Қонунбузорлардан ашёвий далил сифатида 10 минг АҚШ доллари ва машина салонидидаги 40 млн. сўм пуллари олинди.

Суд ҳўқмига кўра, бу шахслар жиноий жавобгарликка тортилди.



# Оила бахтли бўлса, жамият мустақкам бўлади

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

**М**ана шулар ҳақида ўйлаганингизда осойишталик нақадар буюк неъмат эканлиги яққол намоён бўла боради.

Ҳа, тинчлик ҳам, фарзанд ҳам — инсонга берилган энг катта неъмат. Бу неъматларнинг қадрига етиб, фақат шукрона билан яшамоғимиз зарур.

Президентимиз ташаббуси билан янги 2016 йилга "Соғлом она ва бола йили" деб ном берилди. Бу эзгу ташаббус барчамизнинг қалбимиздаги эзгу орзу-ниятларимизга ҳамохан бўлди.

Энг эзгу умидлар, миллий қадриятларимизнинг асоси бўлган аҳиллик, тотувлик ўзаро муносабатлардаги соф инсоний сифатлар биз учун муқаддас даргоҳ бўлиши оилада шаклланади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила қадр-қиммати янада юксалиб, ҳаётимизнигина чинакам маънавияти таянчига айланди. Унинг мавқеини юксалтириш, мустақамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Оила институтини бошқа муҳим ижтимоий тузилмалар билан уйғун тарзда ривожлантириш ҳамда унинг манфаатларини қонуний муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Асосий Қонуниимизнинг "Оила" деб аталган 14-бобида оиланинг жамиятда тутган ўрни ота-она ва фарзандлар ўртасидаги оилавий муносабатлар, оиланинг моддий ва маънавий жиҳатдан мустақамлиги, унинг маънавий-ахлоқий асослари, фарзандлар тарбия-



си, келажаги билан боғлиқ ҳолда ифода этилганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам оила вужудга келибдики, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳар бир инсоннинг онгу дунёқаршида, турмуш тарзида шакллана боради. Оила маънавияти қанчалик бой, теран ва чуқур бўлса, жамият ҳам шу қадар мустақам бўлади. Шу асосда Конституцияимизга унга бағишланган алоҳида боб киритилди. Оила кодекси қабул қилинди.

Барчамизга маълумки, оила мустақамлиги, энг аввало, турмуш қурадиган ёшларнинг айл-заковати, маънавий дунёқарши, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етиши каби омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Янги бунёд этилаётган оилада аввало соғлом муҳит яратилишига, у ҳар томонлама мустақам бўлишига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Бунга буюк дав-

лат асосчиси Амир Темур ҳам энг масъулияти вазифа сифатида қараган. Соҳибқирон бобомизнинг қуйидаги фикрларидан ҳам буни билиш мумкин: "Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантириш ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим".

Юртимизда қиз болаларнинг — бўлғуси оналарнинг соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда албатта таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши зарурлиги бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Дарҳақиқат, "Қиз бола — паллахон тоши", "Чиққан қиз — чигиракдан ташқари" сингари ибораларни янгиланаётган давр инкор этаяпти. Бугун қизларимиз ўз ҳуқуқлари, яратилган имкониятлар ва имтиёзлар-

дан самарали фойдаланиб, катта муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Илм-фан, маданият ва маърифат, спорт, бизнес сингари қатор соҳаларда уларнинг эришаётган ютуқларини кўриб, кўзингиз қувнади. Ҳа, жаҳон бўйлаб Ўзбекистон байроғини баланд кўтараётган чемпион қизларимиз, момомерос қадриятларимиз оиламга кўз-кўз қилаётган чеварларимиз, тadbиркор аёлларимизнинг, хуллас, барча-барчасининг муваффақияти беназир шижоатдан дарак беради. Шу боис қизларимизнинг илм олиб, касб-хунар эгаллаши, пировардида ҳаётда муносиб ўрин топиши учун барчамиз масъулиятни теран ҳис этмоғимиз зарур.

Соғлом она ва бола масаласидаги эзгу орзу-ниятларимизнинг рўёби ўз навбатида яна бир муҳим омилга бориб тақалади. Бу оила бошлқлари, рўзгорбоши деб таъриф бериладиган оталар масъулиятдир. Ота, энг аввало, оиласининг ҳам чиройи, ҳам қаробони ҳисоблавиши аёлининг, ширин турмушининг тотли мевалари бўлмиш фарзандларининг ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом бўлиши учун жавобгардир. Уларнинг саломатлиги, илм олишлари, хунар эгаллашлари, спорт билан шугулланишлари, ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришларида оила устунлари бўлмиш оталаримиз имконият яратиши зарур.

Она юртимизнинг ёрқин истиқболи учун сарфланаётган миллиардлаб сўм сармоа, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза-лаш, уларнинг ҳуқуқ ва ман-

Сирожиiddин ФАЙЗИЕВ,  
Қашқадарё вилоят прокурорининг  
ўринбосари

фаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар дунё экспертлари томонидан эътироф этилаётди. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси улар томонидан ўрганилаётди, кенг тарғиб этилаётди. Янги йилда қабул қилиниб, ижро этиладиган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури шарофати билан бундай тadbирлар қўлами янада кенгайиши шубҳасиз. Хусусан, оила, оналик ва муносиб ўрин топиши учун барчамизнинг ҳимоя қилиш бўйича шакланган меърий-ҳуқуқий база тақомиллаштирилади. Олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало, аёллар учун ижтимоий, маиший, тиббий нуктаи назардан зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади. Тиббиёт муассасалари, спорт объектларининг моддий-техник базаси мустақамланади.

Энг муҳими, "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақам бўлади" деган ҳаётбахш гоя ҳар бир юрдошимизнинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улғу ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим.

## Қарор ижроси муҳокама этилди

Самарқанд вилоят прокуратурасида Асосий Қонуниимизнинг 23 йиллиги муносабати билан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сенатор ва депутатлар, вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, суд ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят прокурорининг ўринбосари Шермат Джумаев кириш сўзи билан очиб, амнистия акти инсонпарварлик, адолат тамойилларининг устуворлигидан, давлатнинг фуқароларга нисбатан ғамхўрлиги ва эътиборлигидан далолат бериши, мамлакатимизда кўп йиллардан бунён бу инсонпарварлик тамойили муҳим аҳамиятга эга бўлиб келаётганини таъкидлаб, ушбу амнистия актининг олдингиларидан фарқли жиҳатларига тўхталди.

Хусусан, бугунги кунда ушбу қарор ва уни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом ижросини таъминлаш борасида виллоятда изчил ишлар олиб борилаётгани, бунга тааллуқли барча идоралар масъул эканлиги таъкидланди.

Қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, жазодан озод этилаётган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва химоясига оид чораларни қўллаш ҳақида тавсиялар берилиб, бунда ички ишлар, соғлиқни сақлаш, бандликка кўмаклашиш идораларининг, айниқса, маҳаллаларнинг ўрни беқиёс эканлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, қарор ҳамда уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низомнинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш, жойларда амнистия ак-

Қамолiddин ЖАВДАНОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

тини қўллашда очиқ-ошкоралик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида депутатлар, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда мутасадди идора ва ташкилот ходимларидан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳларининг вазифалари, шунингдек, жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва химоясига оид чораларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиш бўйича тузилган ҳудудий комиссиялар иш фаолиятини кучайтиришга эътибор қаратилди.

Жазодан озод этилганлар томонидан қайта жиноятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида ҳисобга олиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни доимий яшаш манзилларига кузатиб қўйиш амалиёти жорий этилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, соғлигини тиклаш, ишга жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчилар назоратига топшириш, ўқишга тиклаш, профилактик ҳамда тушунтириш ишларини олиб боришга қаратилган тегишли чоратadbирлар белгилаб олинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа масъул идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Йиғилиш якунида бажариладиган ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқларимиз, халқимиз фаровонлигининг юксалиб бораётгани амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг бош омили бўлиб хизмат қилаётди. Бу Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тинчлик, осойишталик ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг мустақам тизими яратилгани самарасидир.

## Осуда кунлар шукронаси

Ташкент вилоятининг Қибрай туманида "Тинчлик ва осойишталикни асраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи" мавзусида ташкил этилган тadbирда шукрон ҳақида сўз юритилди. Ҳуқуқ-тартибот органлари ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда маҳаллалар фаоллари, прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

Тadbирда Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида асарларга татиғулик улкан ишлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилаётгани ҳар бир оиланинг орзу-интилишлари рўёбга чиқаётганида, одамларнинг дунёқарши, ҳаётга, меҳнатга муносабати юксалиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимиз тарихан қисқа даврда ўз кучи ва салоҳиятига таянган, тинч ва осуда ҳаётини химоялашга қодир, изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган давлатга айланиши барчамизга гурур-ифтихор бағишламоқда.

— Мамлакатимизда ҳукм сурётган тинчлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик, меҳр-оқибат муҳити энг катта бойлигимиздир, — дейди "Алишеробод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Матназар Ширинов. — Буни асраш ва мустақамлаш, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликни янада кучайтириш энг асосий вазифаларимиздир. Зотан, бугун дунёда содир бўлаётган турли тўқнашувлар қуйиб бораётганини кузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймадсан, доимо хушёр ва сезгир бўлишни ҳаётнинг ўзи талаб этаётганига амин бўламиз.

Ўз мухбириимиз

# Тадбиркорлар ҳуқуқлари доимий эътиборда

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар бугунги юксалишга хизмат қилиш билан бирга, ҳар биримизни янги кун, янги замон нафаси билан яшашга ҳам ўргатмоқда. Одамлар онгу шуурида туб ўзгаришлар юз бериб, уларда мамлакат, миллат тақдирига масъулик ҳисси тобора ортиб бормоқда. Жумладан, озод ва обод дёиримизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг йўлга қўйилгани, соҳа ривожини учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилаётгани янги тармоқнинг жадал ривожланишини таъминламоқда.

Янги асрнинг дастлабки йилида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоизга тўғри келган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткичнинг салмоғи ортиб, 56 фоизга етган. Иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоизи мазкур соҳада меҳнат қилаётганини ҳисобга олади-га бўлса, юрт иқтисодиётида, жамият ҳаётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўлами кенгайиб бораётгани аққол намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил охириш учун янада кулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва имкониятлар яратиб бериш.

Мазкур фармон мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан оширишга хизмат қилиш билан бирга, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлайди, кулай ишбилармонлик муҳитини яратди. Бу соҳани ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат улушини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, шунингдек, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш мақсадларини кўзлаган фармоннинг тарихий аҳамияти бекиёсдир.

Ушбу фармон асосида 2015 йилнинг 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиб, бу борадаги ишлар янги

босқичга кўтарилди. Чунки хусусий сектор фаолиятини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш республика иқтисодиётининг янада ривожланишига замин яратиш шубҳасиз.


Қонунга биноан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жабҳаларига дахл қиладиган 40 дан ортиқ қонун ҳужжатларининг амалиётга татбиқ этилиши ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, маҳаллий ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Белгиланган вазифаларда ютуқларга эришиш мақсадида янги нормаларни қонуности ҳужжатларига, давлат, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётга жорий этишни жадаллаштириш, назорат қилувчи органлар фаолиятини ўзгариши ва профилактика ишларига алоҳида эътибор қаратиш, бизнес субъектларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Қонун билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча жиҳатларига, жумладан, давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнес юритиш тартиби, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатларидан тортиб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний маффаатларини ҳимоя қилишга оид қирқдан ортиқ қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, Солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, жарима тарзидаги молиявий санкциялар унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш ёхуд тайинланган жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилиши белгиланди. Бунда жариманинг узил-кесил миқдори жариманинги юқори миқдори назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган энг кўп миқдордан ошиши мумкин эмаслиги кўрсатилди.

Қўлланиладиган молиявий санкция ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларига номуносив бўлган, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, шунингдек, ҳуқуқбузарнинг моддий аҳолининг иноватга олиб, суд молиявий санкциянинг энг кам даражасидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган санкция энг кам миқдорининг 25 фои-



зидан кам бўлмаган миқдорда, сабаблар ва асосларни албатта кўрсатган ҳолда молиявий санкция қўллашга ҳақли эканлиги ҳақида янги норма киритилди.

Бундан ташқари, кирим қилинмаган товарлар қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида давлат даромадига ўтказилган тақдирда, Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган молиявий санкцияни қўлламаслик назарда тутилди.

Мазкур янги нормалар тадбиркорлар мулкий маффаатларининг ишончли ҳимоя қилинишига, улар молиявий ҳолатининг оғирлашишига йўл қўймасликка қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Солиқ кодексининг 330-моддасига киритилган қўшимчаларга кўра, мулкдорлар хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний маффаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан, шунингдек, аризаچи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича ҳужжали судларидан давлат божини тўлашдан бутунлай озод қилинди.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик учун давлат органларини мансабдор шахсларининг жавобгарлиги кучайтирилди, бу борада суд органларининг масъулияти янада оширилди.

Шу нуктаи назардан, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний маффаатларига зид бўлган барча ҳуқуқбузарликлар учун, жумладан, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилганлик, ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларнинг Жиноят кодексининг ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг алоҳида, муस्ताқил болларига киритилиши хусусий мулкни ҳимоя қилиши юқори даражада ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлайди.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектлари учун

назарда тутилган имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш тартибини такомиллаштирди. Интерактив давлат хизматлари ягона порталида тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестри яратилиши тадбиркорларнинг соҳадаги ўзгариш ва имтиёзлардан ўз вақтида хабардор бўлишларига имкон беради.

Қонунга мувофиқ, "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Қонун ҳамда Божхона кодексига ҳам тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида келтирилган божхона органларининг ҳуқуқлари қаторидан экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилганда, шунингдек акция марказлари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголь ичимликлар республикаимиз ҳудудида олиб қирилганда, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда уларни (ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан суд тартибидан) мусодара этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи чиқариб ташланди.

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга ҳамда уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашши ҳолларига барҳам беришга қаратилган қонунлар, шунингдек, Президент фармон ва қарорлари ижроси устидан назоратни таъминлаш борасида ҳам изчил ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, Республика Президентининг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга оид фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш борасида 2015 йилнинг ўтган даври давомида вилоятда 525 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Жумладан, 38 та ҳолатда тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашши ва тегишли ҳолатлари аниқланди. Шунингдек, 15 та тадбиркорлик субъектига банк муассасаларидан 124,1 млн. сўм кредит маблағлари, 11 та тадбиркорларга 62,7 га. ер майдонлари ажратишда ва бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатилди.

Назорат қилувчи органларнинг айрим мансабдор шахс-

Музаффар АБДУРАҲМОНОВ,  
Наманган вилоят прокуратурининг  
биринчи ўринбосари

лари орасида ҳам турли суистеъмоликликларга йўл қўяётганлари учраб турибди. Жумладан, Наманган вилоят ДСБнинг икки нафар инспектори "Чортоқ Сим-Сим" ХКга қарашли умумий овқатланиш шохбасида қисқа муддатли текшириш ўтказиб, шохбача раҳбаридан 1000 АҚШ доллари талаб қилиб, пора тариқасида олган вақтда қўлга олинган. Мазкур ҳолат бўйича вилоят прокуратураси томонидан айбдорларга нисбатан жазо чоралари қўрилиши таъминланган.

Юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилувчи бу фармоннинг ҳаёtgа изчил татбиқ этилиши аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш билан бирга, соҳани янги босқичга кўтаришда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тўғнақ бўлаётган айрим говларни олиб ташлашда муҳим дастуриллашга айланди. Бунинг самарасида биргина вилоятимизда ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидан ушбу соҳанинг улуши 80 фоизни ташкил этимоқда, иш билан банд аҳолининг 82 фоиздан зиёди ушбу секторда меҳнат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ҳалқнинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб бериши инсон ва жамиятнинг фаровонлигини ошириб, фуқароларнинг турмуш тарзини таъминлаш устувор мақсад эканлигини кўрсатади. Мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваломбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий, тадбиркорлик фаолиятига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксаклигига бевосита боғлиқдир.

Шу мақсадда жорий йилнинг 11 ойида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан 465 та тарғибот тадбирлари ўтказилиб, тадбирларнинг сифати ва самардорлигига доимий эътибор қаратилди.

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, уларга прокуратура фаолиятига ошкоралик бериш учун кенг имкониятлар яратишга ҳаракат қилинди.

Келгусида ҳам тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва маффаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий эътиборида бўлиб, уларнинг қонунларда белгиланган ҳуқуқларини рўбга чиқаришда амалий ёрдам кўрсатилди. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, биринчи навбатда Конституциямизда муҳраб қўйилган қўн тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси бўлиши хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидан қилар ҳов ва тўсиқларни йўқ қилиш — биз учун ҳал қилувчи, устувор вазифага айланиши даркор.



# Кексаларга эъзоз қадриятларга эҳтиромдир

Кексаларни қадрлаш, уларга ҳурмат кўрсатиш, гамхўрлик қилиш ўзбек халқининг ўзига хослигини кўрсатиб турадиган миллий анъаналари сира-сига киради. Минг йиллар давомида шаклланган халқимиз қалб оламининг энг табарруқ туйғуларидан, ардоқли тушунчаларидан бири бу — эъзозлаш. Умуман, инсонни эъзозлаш, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини қадрият деб билиш мамлакатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу маънода н-ҳоясига етган 2015 йанинги "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номланишининг ҳам ўзига хос жиҳатлари бор.



Бахтиёр ИСМОИЛОВ,  
Бош прокуратура бошқарма  
катта прокурори

Олтинкўл туман прокуратураси томонидан ҳам "Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан иш режага асосан кексаларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан кексаларнинг соғлигини сақлаш, пенсия ва нафақаларнинг тайинланиши ҳамда тўланиши билан боғлиқ масалалар ўрганиб борилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا асосан 2015 йилнинг апрель ойида тумандаги 9 нафар уруш фахрийларига бюджет маблағларидан 700 минг сўмдан пул берилиб, "Ғалабанинг 70 йиллиги" медали билан тақдирландилар. Бундан ташқари, туман прокуратураси ҳамда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳар бир фахрийга ҳомийлар ор-

қали 1 тадан "Артел" кир юшиш машинаси ва 300 минг сўмдан пул совға тариқасида топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майдаги "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган дастурга кўра, 2013 йилда ёлғиз қарияларнинг 19 нафарига 7 млн. 463 минг сўмлик, 2014 йилда 14 нафарига 5 млн. 911 минг сўмлик 9 турдаги озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилган. 2015 йилда эса 14 нафар шароити оғир пенсионерга 6 млн. 512 минг сўмлик маҳсулотлар олиб берилди.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман маркази томонидан фахрийларни соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш ишлари ташкил этилиб, фахрийларга "Товоқ-сой" ҳамда "Косонсой" сихатгоҳига йўлланмалар берилди.

Маълумотларга кўра, туманда 114 нафар яқка-ёлғиз қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар яшамоқда. Уларга Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 12 нафар ходими бириктирилган. Улар ҳафтада икки марта ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар оладилар. Шунингдек, 2015 йилда мазкур марказга реабилитация техник воситаларига муҳтож 9 нафар фуқаро муржаат этган. Марказ томонидан бугунги кунга қадар 3 нафар фуқарога ногиронлик аравачаси, 1 нафарига эса эшитиш мосламаси, 15 нафар ногирон фуқароларга эса 36 та протез-ортопедия маҳсулотлари олишлари учун йўлланмалар берилган.

Мазкур йўналишда бу каби ижобий ишлар талайгина. Бироқ ўтказилган текширишларда ютуқлар билан бир қаторда баъзи камчиликлар ҳам аниқланди. Масалан, тумандаги Қўштепасарой ҚФЙда яшовчи фуқаро Г.Йўлчиева ёшга доир пенсия тайин-

лаш юзасидан зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда 2015 йил март ойида марказ бўлим мутахассиси К.Тошбоевга тақдим этган бўлса-да, унинг мурожаати бўлим томонидан рўйхатга олинмаган ва ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу каби, туманда яшовчи фуқаролар М.Ғаниева ҳамда Қ.Абдурахмоновалар ҳам ёшга доир пенсия тайинлаш юзасидан зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат этишган. Бироқ уларнинг аризалари ва тақдим этган ҳужжатлари бўлим томонидан рўйхатга олинмаган. Бахоланки, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 46-моддасида тақдимнома ёки ариза барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган кун пенсия учун мурожаат этилган кун, деб ҳисобланиши белгиланган.

Туман прокуратураси арашлуви билан ушбу фуқароларнинг мурожаатлари 2015 йилнинг 1 апрель кунидан рўйхатга олинди ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимининг пенсия тайинлаш комиссияси қарорига асосан уларга пенсия тайинланишида амалий ёрдам кўрсатилди. Қонунбузилишига йўл қўйган шахсларга эса тегишли ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Таассуфки, айрим ҳолларда бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими томонидан тўлган ҳужжатлар нотўғри малакаланиши натижасида фуқароларга пенсия миқдори кам тайинланган. Жумладан, тумандаги Охунбобоев ҚФЙда яшовчи фуқаро Н.Ғаниеванинг ҳақиқий ишлаган даври 17 йил

4 ой 2 кунни ташкил этса-да, пенсия тайинлаш комиссиясининг 2013 йил 25 декабрдаги қарори билан унга 14 йил 11 ой 2 кун иш йили деб ҳисоблаб, унга кам миқдорда пенсия тўланган.

Бўлим томонидан боқувчисини йўқотганлик нафақасини тайинлашда ҳам камчиликлар учрайди. Мисол учун, тумандаги Жалабек ҚФЙда яшовчи фуқаро Ю.Рўзиевнинг турмуш ўртоғи К.Рўзиева 2013 йил 9 сентябрда вафот этган бўлиб, у 3 нафар вояга етмаган фарзанди учун боқувчисини йўқотганлик нафақаси олиш юзасидан бўлимга мурожаат этган. Бироқ комиссиянинг қарори билан унга 2014 йил 24 октябрдан бошлаб нафақа пули тўлаб келинган, бироқ аниқланишча, бу сумма қонун ҳужжатларида белгиланганидан 40 278 сўм кам тўланган экан.

Мазкур йўналишда ўтказилган текшириш якунига кўра, хизмат вазифасини лозим даражада бажармай, қонунбузилишга йўл қўйган 22 нафар тиббиёт, 10 нафар бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ходимларининг интизомий жавобгарлик масаласи ҳал этилди. Шунингдек, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимининг 12 та қарорини қонун талабларига мувофиқлаштириш юзасидан протест келтирилди. 10 нафар пенсионернинг манфатларини қўллаб-қувватлаш ишлари бўйича Андижон туманлараро судига даъво аризалари киритилди.

## Меҳрга ташна диллар

Ижтимоий ҳимоя, таълим, вояга етмаганларга оид қонунларимизда халқимизга хос болажонлик, одамийлик, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатлар мумассас. Фарзандларимиз ҳар жиҳатдан баркамол ўсиб-ўлғайишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб келмоқда. Турли сабабларга кўра ота ёки она меҳридан мосуво ҳамда етим болаларга алоҳида гамхўрлик кўрсатишмоқда. Уларга Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия берилмоқда. Хусусан, Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйида 6 ёшдан 17 ёшгача 149 нафар бола таълим олмақда. Тарбияланувчилар даражасидаги бўш вақтларини чеварчилик, компьютер саводхонлиги, мусиқа ҳамда вилоят "Баркамол авлод" Маркази томонидан ташкил этилган 7 та тўғараққа мазмунли ўтказиш япти, билимларини мустаҳкамлаш япти. Ёз ойлари "Меҳнат-роҳат" соғломлаштириш оромгоҳида дам олишмоқда.

Меҳрибонлик уйи иш жараёнида эътиборга молик жиҳатлар билан бирга бир қатор камчилик ва нуқсонлар ҳам кўзга ташланди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Меҳрибонлик уйи тўғрисида"ги Низомга асосан Меҳрибонлик уйига кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг болалари, фақат отаси ёки онаси бор бўлган болалар ушбу оилаларни бир йилгача муддатда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида вақтинчалик қабул қилинади. Уларнинг бундан кейин Меҳрибонлик уйида бўлиши тарбияланувчи яшайдиган жой бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг ҳулосасига кўра туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан белгиланади. Бироқ, ушбу талабларга тўқис риоя этилмаган, болаларни вақтинчалик қабул қилиш муддати

ҳамда уларга бириктирилган турар жой майдони кўрсатилмаган. Икки нафар ўсмир эса муассасага Фарғона туман ҳокимининг эмас, ҳокимлик ҳузуридagi вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия қарори билан жойлаштирилган. Меҳрибонлик уйида фарзандлари тарбияланаётган ёлғиз ота ёки оналарнинг яшаш шароитлари ўрганиб борилмаган. Вақтинча, бир йилгача муддатда муассасага қабул қилинган болаларни оилаларига қайтариш ёки шарт-шароитларини ўрганиб, тарбия муддатларини узайтириш чоралари кўрилмаган.

Меҳрибонлик уйининг ижтимоий иш ходими томонидан ота-оналар билан ишлаш дафтари юритилмаган. Тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки яқинлари хабар олиб турган-турмаганлиги қайд этилмаган.

Саиджон ҚўШМОҚОВ,

Фарғона вилоят прокуратурининг ёрдамчиси

Оила кодексининг 79-моддасида узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқона ёки бошқа доволлаш, тарбия, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш каби муассасалардан олишдан бош торганлар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиши белгиланган. 8 нафар тарбияланувчининг ота-оналари йиллар мобайнида хабар олмаётган бўлса-да, Меҳрибонлик уйининг маъмурияти фуқаролик ишлари бўйича судга оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақида биронта ҳам даъво аризаси киритмаган.

Меҳрибонлик уйида болаларни овқатлантириш борасида белгиланган меъёрларга амал қилинмаган. Тарбияланувчилар шахсий буюмлар учун рюкзак, мавсумий кийим-кечак, пойафзал ва юмшоқ жиҳозлар билан тўқис таъминланмаган.

Меҳрибонлик уйига тарбиячи, ўқитувчи ва ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, рағбатлантириш, иш ҳақи тўловлари — меҳнат муносабатларида ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Ишга қабул қилинган икки нафар ходим белгиланган тартибда буйруқ билан таништирилмаган.

Меҳнат қончилиги биноан бай-рам кунлари арафасида қўндалик иш

вақти камида бир соатга қисқартирилиши лозим. Шунингдек, иш вақтидан ташқари ишлаган ходимларга хоҳишларига кўра отгул (дам олиш кўни) ёки иш ҳақи ҳисоблаб берилмаган. Айрим ҳолларда ходимларга меҳнат таътили икки иш кўни миқдоридан кам берилган.

Муассасада иш ҳақини тўлаш шартлари ва маошдан ушлаб қолинишида ҳам қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Меҳнат кодекси талабларига зид равишда ўтган йил мобайнида тўрт нафар ходимнинг иш ҳақларидан 100 минг сўмдан тортиб 155 минг сўмгача пул маблағлари ёзма равишда розилиқлари олинмасдан коммунал тўловлар учун ушлаб қолинган. Шунингдек, Меҳрибонлик уйининг маъмурияти томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилик талабларига амал қилинмаган ҳолатлар аён бўлди. Молия-ҳўжалик фаолиятини ўрганиш мобайнида 3 млн. 800 минг сўмлик хато ва камчиликлар аниқланди.

Хато ва камчиликларни бартараф этиш, таълим-тарбия жараёнларини талаб даражасида яхшилаш чора-тадбирлари белгиланган.

Фарзандларга, болаларга доимий гамхўрлик Юртбошимиз томонидан 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинганда яна бир бора аққол намоен бўлди. Вилоят прокуратураси ходимлари янги йил арафасида барча Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар билан учрашиб, меҳрга ташна дилларга малҳам бўлишиди.

## Ўзбекистон Республикасининг Қ О Н У Н И

# Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

#### 4) 62-модданинг:

**иккинчи қисмидаги** "Солиқ тўловчи" деган сўзлар "Юридик шахс, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қисм бўйича яқка тартибдаги тадбиркор" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари жисмоний шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ҳужжатлари асосида суд ижрочилари томонидан қўлланадиган ва уларга ушбу Кодекс 63-65-моддаларининг қоидалари татбиқ этилмайди, бундан тадбиркорлик фаолиятига доир қисм бўйича яқка тартибдаги тадбиркорлар кустасно";

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**5) 84-модданинг тўққизинчи қисмидаги** "депозитарийларда рўйхатга олинган" деган сўзлар "ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6) 96-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхатиб туриш тўғрисидаги ариза бўлган судга куйидаги ҳолларда мурожаат қилишга ҳақли:

солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўқсизлик қилинганда ёки даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудларни, биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритиш солиқ тўловчи томонидан рад этилганда;

солиқ тўловчи қайд этилган манзилда бўлмаганда;

солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки) молиявий ҳисобот, камерал назорат натижалари бўйича тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган мuddатда тақдим этилмаганда";

**7) 114-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** "қиймати" деган сўз "қийматининг 20 фоизи" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**8) 143-модда 5-бандининг "ж" кичик банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"ж) таътилга қўшимча ҳақлар ва ушбу Кодекснинг 173-моддасида назарда тутилган моддий ёрдам";

**9) 145-модданинг 19-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"19) банкнинг, қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ва қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматлариға ҳақ тўлаш";

**10) 147-модданинг 13-бандидаги** "145-моддасида" деган сўзлар "143 ва 145-моддаларида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**11) 152-модданинг 5 ва 7-бандлари** чиқариб ташлансин;

**12) 155-модда:**

**учинчи қисми 3-бандининг иккинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"юридик шахсларнинг — Ўзбекистон Республикаси резидентларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялари (бундан фонд биржасида реализация қилинадиган акциялар мустасно), улушлари (пайлари)";

**тўққизинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**ўнинчи — йигирма иккинчи қисмлари** тегишинча **тўққизинчи — йигирма биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**ўн саккизинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**ўн тўққизинчи — йигирма биринчи қисмлари** тегишинча **ўн саккизинчи — йигирманчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**ўн саккизинчи қисмидаги** "ўн иккинчи, ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн саккизинчи қисмларида" деган сўзлар "ўн биринчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн еттинчи қисмларида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**13) 155'-модданинг ўн бешинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадлари бўйича юридик шахслардан олинандиган фойда солиғининг ортқча тўланган суммасини қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади";

**14) 158-модданинг иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

"6) фонд биржасида эмиссиявий қимматли қоғозларни реализация қилишдан олинган фойдаси";

**15) 165-модданинг учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Юридик шахслардан олинандиган фойда солиғининг суммаси тўлов манбаида ушлаб қолинмаган ёки Ўзбекистон Республикаси халқаро шартнома қоидаларининг гайриқонуний тарзда қўлланилиши мазкур солиқ ушлаб қолинмаслигиға ёхуд тўлиқ ушлаб қолинмаслигиға сабаб бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезиденти юридик шахслардан олинандиган фойда солиғининг ушлаб қолинмаган суммасини ва у билан боғлиқ пеня суммасини қонун ҳужжатлариға мувофиқ бюджетға киритиши шарт";

**16) 173-модданинг 4-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"4) таътилга қўшимча ҳақлар ҳамда ушбу Кодекс 178-моддасининг 16-бандида назарда тутилмаган моддий ёрдам";

**17) 178-модда 16-бандининг бешинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши му-

носабати билан бериладиган тўловлар";

**18) 179-модда:**

**1-бандининг тўртинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"ушбу Кодекснинг 178-моддасида кўрсатилган бошқа ҳолларда, — солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда";

**11-бандининг иккинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"қимматли қоғозларни (бундан фонд биржасида реализация қилинадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар мустасно), юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини)";

**30-бандининг учинчи хатбошиси** "қурувчи шахслар" деган сўзлардан кейин "шунингдек уларнинг мазкур кредитлар бўйича биргаликдаги қарз олувчи бўлган оила аъзолари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**19) 186-модда бешинчи қисмининг учинчи жумласидаги** "Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда" деган сўзлар "Маълумотнома ва солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилган тақдирда" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**20) 187-модданинг 2-банди** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

"Йил якунлари бўйича ҳисобланган ва амалда тўланган даромадларнинг суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 25 мартига қадар тақдим этилади";

**21) 208-модданинг 14-бандидаги** "чет эл" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**22) 209-модданинг 5-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"5) юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан инвестиция воситачиларининг қимматли қоғозлар депо-ҳисобварақларини очиб ҳамда юритиш";

**23) 220-модданинг биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"иссиқ сув таъминоти (ҳисобга олиш асбоблари мавжуд бўлмаган тақдирда) ва марказий иситиш учун тасдиқланган истеъмол нормаларидан ортқча миқдорда аҳолиға етказиб бериладиган иссиқлик энергияси бўйича";

**24) 222-модда:**

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Ҳисобварақ-фактура қоғоздаги шаклда ёки электрон ҳужжат тарзида тузилиши мумкин";

**иккинчи — ўн тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисмидаги** "иккинчи" деган сўз "учинчи" деган сўз билан

алмаштирилсин;

**25) 227-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича қарзи мавжуд бўлмаган тақдирда, қўшилган қиймат солиғининг ортқча тўланган суммаси ушбу Кодекснинг 10-бобиға мувофиқ солиқ тўловчиға қайтарилади.

Ҳисобга олинандиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ҳисобот даври учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан ортган суммаси, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қўшилган қиймат солиғи бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Ҳисобга олинандиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг солиқ даври якунлариға кўра ҳисобланган солиқ суммасидан ортқчаллиғи сақланиб қолган тақдирда, ушбу ортқча сумма кейинги солиқ давриға ўтказилади ва қўшилган қиймат солиғи бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот ҳисобидан ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортқча суммаси куйидаги кетма-кетликда қайтарилади:

ушбу Кодекснинг 207-моддасиға мувофиқ тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғининг суммаси қопланади;

солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича мавжуд солиқ қарзи қопланади;

солиқ тўловчининг банк ҳисобварағиға пул маблағлари ўтказилади.

Ушбу Кодекснинг 207-моддасиға мувофиқ тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасини қоплаш ёки солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича мавжуд солиқ қарзини қоплаш ушбу Кодекснинг 56-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур модданинг бешинчи қисмиға мувофиқ қайтарилгандан кейин сақланиб қолган ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот ҳисобидан ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортқча суммаси солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида унинг банк ҳисобварағиға, агар мазкур ариза ортқча сумма ҳосил бўлган ҳисобот даври тугаганидан кейин ўн икки ойдан кечиктирилмаган мuddатда тақдим этилган бўлса, ушбу Кодекснинг 228-моддасида белгиланган тартибда қайтарилиши мумкин";

**26) 228-модда:**

**учинчи қисмининг 4-бандидаги** "газ таъминоти" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тўғрисидаги ёзма аризани кўриб чиқиш, қайтарилиши лозим бўлган ортқча суммани аниқлаш ва маблағларни солиқ тўловчининг ҳисобварағиға ушбу моддаға мувофиқ ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади";

**27) 238-модданинг матнидаги** "чорағи" деган сўз "ойи" деган сўз билан алмаштирилсин;



28) **239-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин: "Акциз солигининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда, солиқ давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади";

29) **240-модданинг:**  
**биринчи — тўртинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

**бешинчи — еттинчи қисмлари** тегишинча **биринчи — учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

30) **277-модданинг ўнинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчиларга имзо қўйдирилган ҳолда ёки тўлов хабарномаси олинганлигини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади";

31) **291-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ер участкалари учун ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, жойлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкда бўлган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар эгаллаган ер участкалари учун жисмоний шахслардан ер солиғи юридик шахслардан олинганда ер солиғини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади ҳамда ушбу Кодекснинг 290-моддасида кўрсатилган имтиёзлар уларга нисбатан татбиқ этилмайди, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно";

32) **293-модданинг тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан жисмоний шахсларга имзо қўйдирилган ҳолда ёки тўлов хабарномаси олинганлигини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади";

33) **300-модданинг бешинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда бўлган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди";

34) **309-модданинг иккинчи қисмидаги** "чораги" деган сўз "ойи" деган сўз билан алмаштирилсин;

35) **310-модданинг:**  
**учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи яқун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан йил якунлари бўйича ягона ижтимоий

тўлов ва суғурта бадалларига доир ҳисоб-китоб ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 25 мартага қадар тақдим этилади";

**тўртинчи қисмидаги** "кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай" деган сўзлар "ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36) **311-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиklarининг аъзолари суғурта бадалларини йилга энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Бунда деҳқон хўжалигининг бошлиғи суғурта бадалларини мажбурий тартибда, бошқа аъзолари эса, ихтиёрийлик асосида тўлайди. Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўлаши деҳқон хўжалиғи аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади";

37) **329-модда:**  
**28-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"28) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — инвесторларнинг, қимматли қоғозлар эгаларининг ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидаги давволар юзасидан";

куйидаги мазмундаги **38 ва 39-бандлар** билан тўлдирилсин:

"38) якка тартибдаги қурувчи билан тузилган шартномага кўра қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш чоғида буюртмачининг вазифаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қайси юридик шахснинг зиммасига юклатилган бўлса, уша юридик шахс — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш масалалари юзасидан якка тартибдаги қурувчи билан низоларни ҳал этиш тўғрисидаги давволар бўйича;

39) қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ қайси тижорат банкларининг зиммасига юклатилган бўлса, уша тижорат банклари — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган имтиёзли ипотека кредитлари юзасидан қарз олувчиларнинг кредиторлик қарзларини ундириш тўғрисидаги давволар бўйича";

38) **330-модданинг 20-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"20) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — инвесторларнинг, қимматли қоғозлар эгаларининг ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидаги давволар бўйича";

39) **354-модда:**  
куйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Ушбу Кодекс 352-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этмаган ҳолда қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлашга ўтишга ҳисобот йили бошлангичдан эътиборан ҳақлидир";

**бешинчи — еттинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун 2016 йил 1 январдан эътиборан қучга киради.

И. КАРИМОВ

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
Тошкент шаҳри,  
2015 йил 31 декабрь  
№ УРҚ—398

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 1 январь кунги 1(6436)-сонидан олинди

Ҳар бир инсон яхши яшашни, тинч ва осуда ҳаёт кечиришни истайди. Аммо ҳаётда билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганлар ҳам учраб туради. Бундай фуқароларнинг ҳам жамиятга ўз ўрнини топишга, эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилишга ҳақлари бор. Бинобарин, уларга бу борала кўмак бериш, тўғри йўлга бошлаш бўйича давлатимиз томонидан қонуний асослар белгилаб қўйилган. Хусусан, Конституция қабул қилинган кун олдиан ҳар йили амнистия тўғрисидаги қарорнинг эълон қилиниши аашби ёки эҳтиёсизлик оқибатида жиноят кўчасига кириб қолганларнинг ҳаётда тўғри йўлни топиб олишлари учун катта имкониятлар бермоқда.

## Бағрикенглик ифодаси



**Фарҳод ОМОНОВ,**  
Қамоққа олинганларни сақлаш ва  
жазони ижро этиш жойларида қонунларга  
риоя этилиши устидан назорат бўйича  
Қарши прокурори

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори ўзбек халқига хос кечиримлилик тамойилини янада ёрқинроқ намойиш этди.

Мазкур қарор мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигини кўрсатувчи муҳим ҳужжат бўлди, дейиш мумкин. Унинг ижроси туфайли минглаб оилалар бағри хурсандчиликка тўлади, ота ёки она меҳридан бебахра бўлган болалар ҳаётда кўнгли ярим бўлмаб вояга етдилар.

Қарорнинг мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, унинг биринчи бандида аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, I ва II гуруҳ ногиронлари, ушбу қарор қучга киргунга қадар бир йил ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахсларнинг жазодан озод қилиниши белгиланди.

Амнистия актининг иккинчи бандида эҳтиёсизлик орақсидида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасдан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, унинг учинчи бандида эса озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилу олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний қучга кирган маҳкумлар жазодан озод қилиниши белгиланди. Шунингдек, қарорнинг тўртинчи бандида озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати уч йилу олти ойдан кам бўлган шахслар манзил-колониаларга ўтказилиши белгиланди.

Бирок узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, ўта хавфли рецидивист деб топилган, тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этган, улар тартибда тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этган, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган, афв этиш ёки амнистия тартибда илгари жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасдан жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибда озодликдан маҳрум қилиш тартибидидаги жазога алмаштирилган шахслар ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан амнистия татбиқ этилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-мод-

дасида ва 104-моддаси учинчи қисмининг "д" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга, Жиноят кодексининг 167-, 168-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этиб, етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларга ҳам мазкур амнистия акти татбиқ этилмайди.

Ушбу қарорга мувофиқ асосий жазодан озод қилинган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

Амнистия актини ҳаётга татбиқ этишда шахснинг ҳуқуқлари суд орқали ҳимояланади. Қарорнинг ҳар бир тегишли шахсга нисбатан объектив қўлланилишини таъминлаш, бу жараёнда суиистеъмолликлар ва қонунбузарликларнинг олдини олиш, жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалда рўйбга чиқариш учун ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларидан иборат ҳудудий комиссиялар фаолият юрилади.


Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатлари, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакилларидан иборат тартибда ишчи гуруҳлари тузилади. Улар жазони ижро этувчи муассасаларда бўлиб, маҳкумлар билан суҳбатлашадилар. Уларнинг шахсий йўл-йўл билан танишадилар, амнистия актини қўллашга оид материалларни ўрганиш ва қўриб чиқишда бевосита иштирок этадилар. Барча маҳалларда йиғилишлар ўтказиб, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш, ҳаётга қўйиштириш, соғломлаштириш, паспорт билан таъминлаш, ишга жойлаштириш ва моддий ёрдам пулларини ўз вақтида олишларига эришиш чораларини қўрадилар.

Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмаганларни ота-оналарининг, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратида топшириш, ўқув муассасаларига жойлаштириш ва иш билан таъминлаш чоралари қўрилади.

Ҳа, мамлакатимизда инсон манфаатлари барча нарсадан устун. Амнистия — кечиримлилик, инсонга нисбатан ғамхўрлик кўрсатиш билан бирга, адашиб ёки эҳтиёсизлик оқибатида жиноят содир этган кишилар бундан кейин ҳаётларини қайта қуришлари, эл-юрт, оилалари манфаатлари йўлида эзгу ишлар билан шугулланишлари учун берилган имкониятдир. Фақат улар бундай имкониятдан тўғри хулоса чиқариб, озодлик ва тинчликнинг қадрига етишлари зарур.

Моҳирбек Абдулаевнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қўлида айтарли бир хунари бўлмагани боис, бир неча йиллардан буюн Қозоғистон Республикасига бориб, ёлманма ишчи сифатида пул топарди.

## Жазога етаклаган қилмиш



Бир сафар уйига келганда қозоғистонлик фермер таниши Серсеннинг таклифига кўра бир неча фуқароларни ўзи билан олиб келиб, деҳқончилик билан шугулланишга келишиб олди. Шу боис, кела солиб "четта бориб пул ишлаб келиш орузида" юрган ҳамюртларини излай бошлади. Олмос кишлоғи худудидаги бозорда айланиб юрганда таниши Ботир Жалолов билан учрашиб қолди-ю, гап орасида Қозоғистонда деҳқончилик қилиш учун зўр шароит борлигини, ишлаган яхшигина даромад олиши мумкинлигини "қистириб" ўтди.

— Бизни ҳам ола кетмай-сизми? — сўради Ботир бунга жавобан. Боиси, Ботирнинг суяги деҳқончиликда қотган, полиз экинлари етиштириш бўйича яхшигина тажрибаси бор эди.

— Майли... Фақат мен бугун кетмоқчи бўлиб турганим... — гарчи ҳамроҳ топилмаса, кета олмаслигини яхши билса-да, Моҳирбек танишини ялантирмоқчи бўлди. — Сиз у ёқнинг шароитларига кўника олармикансиз...

— Нега кўника олмас эканман?! Хар йили деҳқончилик қилиб рўзгор тебратишимни яхши биласиз-ку! — ранжиган кўйи унга жарланди Ботир.

— Унда таваккал қиламиз! — Моҳирбек кўнглида хурсанд бўлаётган бўлса-да, суҳбатдошига бундан сездирмаслик учун жиддий қиёфага кириб олди. — Ўзингиз билан яна бирор кимни олиб кета оласизми? Ахир биз 11 гектар майдонга қовун экамиз, бу биласиз, бу бир-икки кишининг иши эмас. Мен қариндошим Набижон ва унинг хотинини олиб кетяпман. Сиз ҳам шерик топинг...

Ботир шу заҳотиёқ иш топилганидан севиниб, уйига чопди. Дадасига тайёргарлик кўриш кераклигини, кечки пайт Қозоғистонга жўнашларини айтди.

— Сарф-харажатлар, озиқ-овқат қозоқ фермер ҳисобидан экан, — деди у дадасига Моҳирбекнинг гапларини такрорлар экан. — Кузда — ҳосилни йиғштириб сотганимиздан кейин ҳисоб-китоб қилаверар эканмиз.

Бу таклиф Самат акага ҳам маъқул келди чоғи, нарсаларини йиғштириб, сафар та-

доригини кўра бошлади.

Шу куни кечки пайт Моҳирбек ўзи билан тўрт нафар ҳамюртини олиб Қозоғистонга жўнаб кетди. Манзилда уларни Серсен кутиб олди. Бир-икки кунлик хордиқдан сўнг улар айтилган экин майдони четига иккита чайла қуриб, деҳқончиликни бошлаб юборишди. Бу орада Моҳирбек "рухсатнома олиш" баҳонасида ҳамманинг фуқаролик паспортини йиғиб олди.

Гарчи шароит у айтганидек яхши бўлмаса-да, Ботир ва унинг ҳамроҳлари зўр бериб ишлашар, қовундан яхшигина фойда олишни кўзлаб олган интилишарди. Бироқ Серсен уларни тез-тез гўзасини чолиб беришга ёки фермер хўжалигидаги юмушларини бажаришга мажбурлар, акс ҳолда, қовунларини чопиб ташлаш билан кўрктарди.

Шу тариха куз келиб, қовунларни сота бошлашди. Моҳирбек Серсеннинг "ўн кўли" бўлгани боис, унга "Жи-

гули" машинасини миндириб қўйган, йигит ҳам ўз навбатида, унинг меҳрибонлигига жавобан ўзи олиб борган ҳамюртларини оғир меҳнатга жалб этиб, фермер хўжалигининг деярли барча юмушларини бажартириб беради. Бироқ иш ҳақини тўлашга келганида...

— Қўшимча ишимиз учун пул бермасанг ҳам майли... Фақат паспортларимизни қайтар! — Самат ака бу йигитнинг бошдаёқ нияти яхши бўлмаганини аллақачон англаб етгани боис, унга ялинишга тушди. — Биз қовунни сотиб бўлиб, ортага қайтмоқчимиз. Паспортсиз кетиб бўлмаслигини яхши биласан-ку ўзинг!

Моҳирбек уларга айёрона боқаркан, кўнглида яна бир рибкорлик бош кўтара бошлади.

— Серсенга 400 қозоқ тангаси қарз бериб турсанглар, паспортларингни қайтариб бераркан, — деди юзсизларча.

Бу гапдан Самат ака ҳам, Ботир ҳам аччиқланишди. Бироқ ўзга юртларда уларнинг додини ким ҳам эшитарди?! Агар Серсенга қарз бериб туришмаса, паспортларини олишолмаслиги тайин. Шу сабабли Ботир айтилган пулни Моҳирбекнинг қўлига тутқазди.

— Айтиб қўяй, бу пулни қарзга беряпмиз. Баҳордан буюн тер тўкиб меҳнат қилганимизга яраша, юртимизга пулсиз қайтсақ уят бўлади. Буни ўзингиз ўртада туриб

Аскар МАМАТХАНОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Чўст туман бўлими бошлиғи

олиб берасиз, — дейишди Моҳирбекка.

У розилик маъносиди бошини иргаб қўйди. Аммо шу кетганича қорасини кўрсатмади.

Самат ака ўғли ва Набижон билан Серсендан бир неча марта қарзини тўлашини сўраб боришди. Эшитанлари эса ҳақорат бўлди.

Ниҳоят, улар минг машаққатлар билан фуқаролик паспортларини қайтариб олишди. Пулдан эса дарак йўқ. Боз устига, Серсен 7 гектар майдонга экилган қовуннинг пулини ҳам харидорлардан ўзи олиб, уларга бермаганди.

Самат ака ўғлини, Набижон ва унинг турмуш ўртоғини ортага қайтариб юбориб, ўзи Серсеннинг инсофга келишини, пулни қайтариб беришини кутишга қарор қилди. Афсуски, Серсенга ҳам, унинг ҳамтовогои Моҳирбекка ҳам инсоф қилмади. Ўз юртига қайтган Ботирнинг бир неча бор унинг уйига ялиниб бориши ҳам наф бермади.

Ботир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза беришга мажбур бўлди.

Моҳирбек Абдулаев суд ҳукми билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, ҳамюртларига етказган жами 13 млн. 980 минг сўмлик зарарни ҳам тўлайдиган бўлди.

Мурод Ҳошимов (исм-фамилияси ўзгартирилган) Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2013 йилда рўйхатга олинган "Осиё Элит Навоий" МЧЖа 2014 йилнинг 26 августидан раҳбар лавозимида ишлаб келиб, бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўяди.

## Ноқонуний бойлик ортидан қувиб...

Ақбар ХАМИДОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Навоий шаҳар бўлими бошлиғи

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларини қўпол равишда бузади. У МЧЖ номидан жами 12 та чет эл корхоналари билан шартномалар тузиб, шу шартномаларга асосан 5 млн, 101 минг 269 АҚШ долларлик махсулотларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб келади ва ушбу товарларнинг 12 млрд. 169 млн. 533 минг сўмлик қисмини дастлабки терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб юборади. Сотувдан тушган нақд пул маблағларини ўрнатилган тартибда банк муассасасига топширмасдан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузади.

Бундан ташқари, М.Ҳошимов содир этган жиноятини яшириш мақсадида "Осиё Элит Навоий" МЧЖнинг амалга оширган молиявий-хўжалик фаолиятини тасдиқловчи бухгалтерия ҳужжатларини қасддан йўқ қилади.

Унинг бу қилмишлари жазосиз қолмади. Суд томонидан М.Ҳошимовга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 310 баравари миқдоридида жарима ва 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

## Тавба қилмаган аёл

Нодирбек МУСАЕВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг Фарғона шаҳар  
бўлими катта инспектори



Фуқаро С.Абдунабиева қариндоши Н.Убайдуллаевага мурожат қилиб, "икки нафар жияним Фарғона Давлат университетига ўқишга кирмоқчи", дея маслаҳат сўрайди. Аёл унга оли-бери қилиб юрган таниши У.Набиевнинг телефон рақамини беради. Келаси куни улар Фарғона шаҳридаги Алишер Навоий номи кинотеатр ёнида кўришишади.

"Ўқитувчилар малакасини ошириш институтида танишим бор, жиянларингизни ўқишга киритишга ёрдам беради", деб У.Набиева энди таниши Д.Мирзаевнинг телефон рақамини беради. С.Абдунабиева телефонда Д.Мирзаева билан боғланиб, у билан кўришади. Олий ўқув юртига фақат Республика Давлат тест маркази томонидан ўтказилган тест синовларининг натижалари асосида ўқишга қабул қилинишини беш қўлдай билган мутахассисда ўз оёғи билан келиб турган лўқман қўлга киритиш режаси туғилади. Жиянлар ўз билимлари билан ўқишга кирса кирди, қиролмаса, бирон-бир баҳона топиш чўт эмас. "Бўпти, мен гаплашиб берман, — дейди Д.Мирзаева. — Аммо, ўқишга киритиб қўйданг одамга олти минг доллар беришимиз керак. Олдиндан ярмини, қолган

уч минггини кейин берасиз".

"Воситачи" аёлнинг шартин С.Абдунабиевани лол қолдиради. Ва бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилади.

Унинг аризасига биноан тадбир ўтказилди. Аёл Фарғона ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ёнида Д.Мирзаева билан кўришади. Ҳамёнидаги пулни кўрсатади. У ўзича эҳтиёткорлик қилиб, пулни олмайди-да "Ҳозир мен олиб келган такси муолишда турибди, ҳайдовчи ўзимга қарашли. Пулни унга бериб қўйинг, кейин мен ундан оламан", дейди.

С.Абдунабиева ҳайдовчига 6000 АҚШ долларини топширади. У пулни олиб ёнидаги ўриндиқ тўшакчаси остига жойлайди. Аёл пулни бериб кетганидан кейин департаментнинг шаҳар бўлими ходимлари келиб, ўзларини таништиришади. Пул нима учун берилганидан бехабарлигини айтган ҳайдовчи тадбирда иштирок этади ва фирбгарнинг қилмиши фош этилади.

Дилфузахон Мирзаева эллик ёшни қоралаган. Фарғона вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида услубчи вазифасида ишлаган. У файриқонуний қилмишлари келтириб чиқарадиган оқибатларни яхши биларди. Муқаддам содир этган бир қатор жиноий қилмишларига нисбатан кўзгатирилган жиноят ишлари амнистия актлари қўланиб, ҳаракатдан тугатилган эди. Ушбу мурувватдан тегишли хулоса чиқармаган бу аёл яна жиноятга қўл уриб, 2014 йил декабрь ойида судланган ва икки йил муддатга ахлоқ тузасти ишлари жазосига тортилган. Бу шахс жазони тўлиқ ўтамай туриб, такроран яна фирбгарлик жиноятини содир қилди.

Суд ҳукми билан Д.Мирзаева уч йил-у олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.



— Алло! Ака, қаердасиз?  
Менга машина керак эди...  
Шодиёр (исм-фамилиялар  
ўзгартирилган) укаси Дони-  
ёрнинг бу кўнфироғидан  
нима демоқчилигини англа-  
ди-ю, унга ортиқча савол  
бериб ўтирмай, жавоб қила  
қолди:  
— Манзилни айт, ҳозир  
етиб бораман!

## Нафс бандалари

Шавкатбек МАДРАХИМОВ,  
Андижон шаҳар прокуратураси  
катта терговчиси

**Д**ониёр манзилни айт-  
ди. Шодиёр эса шу  
вақтда ошнаси Ман-  
сур билан чойхонага — ошхўр-  
ликка кетаётгани ёдига тушиб,  
унга юзланди:

— Мансур, юр, укам фалон  
ерда турибди. Машинанда  
борамиз-у, у билан кўришиб,  
кейин чойхонага ўтиб кетаве-  
рамиз.

Мансур аввалига розилик  
бергиси келмади. Аммо Шо-  
диёрга тез-тез "иши тушиб  
туриши"ни ҳисобга олдим, ё  
ўртоғининг юзидан ўта олма-  
дим, машина рулини у айт-  
ган манзил томон бурди.

Улар етиб келишган, Дони-  
ёр йўл четидан турган "Орлан-  
до" русумли автомашинадан  
иккита кўтини олиб, Мансур  
бошқариб келган "Нексия"  
нинг юкхонасига жойлай бош-  
лади.

— Бўлди, ака, кетаверин!  
Кечкурун уйда кўришамиз!

Дониёр шундай деб ўзи  
"Орландо"нинг ёнига борди  
чўнтагидан нимадир чиқариб,  
ўша ерда турган йигитга узат-  
ди. Шу пайт ҳуқуқни муҳо-  
фаза қилувчи орган ҳодим-  
лари келишди-ю, Дониёр ва  
Шодиёр безовталаниб қолиш-  
ди.


Аслида бу ноқонуний валю-  
та операцияси бўлиб, Шоди-  
ёр Раҳмонов муқаддам ҳам  
"қора бозор"даги "фаолияти"  
ошқор бўлиши оқибатида жи-  
ноий жавобгарликка тортил-  
ганди. Чин дилдан пушаймон-  
лик тўла икрани унга нисба-  
тан амнияти акти қўллан-  
иб, жазодан озод этилган,  
унутилди. У яна ноқонуний ра-  
вишда валюта савдоси билан  
шуғулланаверди. Ҳатто укаси  
Дониёрни ҳам шу қора йўлга  
бошлади.

Ўша куни Дониёрга бир та-  
ниши кўнфироқ қилиб, авто-  
салондан автомашина сотиб  
олмоқчи экани, бугун-эрта  
банкда тўлов амалга ошири-  
лиши кераклигини, ҳамаси  
44 миллион сўм пулини АҚШ  
долларига айирбошлаши ло-  
зимлигини айтиб қолади.

Тайинки, бу савдодан До-  
ниёр яхшигина фойда кўра-  
ди. Шу билан, у ҳеч иккилан-  
май у билан учрашасига ке-  
лишди.

Салом-алиқдан сўнг Дони-  
ёр билан харидор пулларни  
бир-бирларига узатишди.  
Уларнинг бу "операция"си  
охирига етмади. Ҳуқуқни му-  
ҳофаза қилувчи органлар то-  
монидан жиноят устида қўлга  
олинди. Суд ҳукми билан эса  
уларга тегишли жазо тайин-  
ланди.

# Назоратчи қонун олдида жавоб берди



Баҳром Жўраев,  
Қашқадарё вилоят  
прокуратураси бўлим прокурори

— Ким бор? "Свет"дан келдим, уйда биров борми?

— Келаверинг, уйдамыз.

Зубай ака назоратчиға пешвоз чиқиб, саломлашиш учун унга қўл узатди. Назоратчи эса бепи-  
сандлик билан дам қўлидаги қоғозларга, дам ҳисоблагичга қараб, ўзига-ўзи гапиргандек  
бўлди.

— Ҳозир ҳамма пластикли электр ҳисоблагич ўрнатаёпти. Сиз ҳам ўрнатинг, мажбурий. Агар  
ўрнатмасангиз қондабузарлик, дея сизга жарима солираман.

— Нега жарима солирасиз? Ахир қарзимиз йўқ-ку! Бунинг устига тўловларни ойма-ой тўлаб  
ушлади. Ахир, ҳозиргина назоратчи қўлидаги қоғозларга, дам ҳисоблагичга қараб, ўзига-ўзи гапиргандек  
бўлди.

— Менга қонунни ўргатмай, тўлов қвитанцияларини кўрсатинг,— деди назоратчи кўрслик би-  
лан. Зубай ака тўлов қвитанцияларини олиб чиқиш учун уйга кирди. Назоратчи эса пайтдан  
фойдаланиб, ҳисоблагичдаги пломбани сўғуриб олиб, чўнтагига солди.

— Мана қвитанциялар,— уй эгаси бир талай тўлов қвитанцияларини назоратчининг қўлига  
тутқазди.

**Х**ақиқатдан ҳам ушбу  
хонадон соҳиблари-  
нинг электр энергия-  
сидан қарздорлиги йўқ эди.  
Бирок назоратчи тўловлар-  
нинг ноқонуний эканлигини,  
чунки ҳисоблагичнинг плом-  
баси йўқлигини айтди. Буни  
эшитиб Зубай ака ёқасини  
ушлади. Ахир, ҳозиргина  
ҳисоблагич бус-бутун турган-  
ди-ку!

— Қандай қилиб пломбаси  
йўқ бўлиб қолиши мумкин? —  
уй эгаси назоратчиға юзлан-  
ди. Назоратчи ўзини эшитма-  
гандек тутди. Қўлидаги қоғоз-  
ларга тикилганча қарздорлар  
рўйхатида бу хонадон ҳам бор-  
лигини айтди. Зубай ака бу  
англашилмовчилик эканлиги-  
ни уқтиришга уринса-да, на-  
зоратчининг қўлоғига гап кир-  
масди.

— Электр энергияси тўлов-  
ларини тўлиқ тўлаганларнинг  
рўйхатида йўқсан,— деди на-  
зоратчи сенсираб.

Назоратчининг қўпол муо-  
маласига Зубай аканинг тур-  
муш ўртоғи чидаб тура олма-  
ди. Унга мулозимроқ бўлиш  
кераклигини айтди.

Эртаси куни Зубай ака на-  
зоратчининг устидан арз  
қилиб, Шаҳрисабз туман  
электр таъминоти корхонаси  
бошлиғи ҳузурига борди. Раҳ-  
барга ҳодимнинг қилмишлар-  
ини бирма-бир айтиб берди.  
Бошлиқ назоратчини қачириб,  
бироз танбех бергандек  
бўлди. Аммо у гўё ҳеч нарса  
бўлмагандек, "Битта пломба-  
ни кўпорсам-кўпорибман-  
да", дея қўл силтаб хонадан  
чиқиб кетди. Зубай ака нои-  
лож пластикли ҳисоблагич  
ўрнатиш ҳаракатиға тушди.

Назоратчи бу масалада унга  
ёрдам беришини айтиб, бу  
иш учун 190 минг сўм пул  
сўради ва 120 минг сўмга  
ҳисоблагични ўрнатиб, қол-  
ган 70 минг сўм пулни ўз эhti-  
ёлжларига ишлатиб юборди.

Шаҳрисабз туман электр  
таъминоти корхонасида назо-  
ратчи вазифасида ишлаб кел-  
ган Дилшод Фаниевнинг қил-  
мишлари фақат шундан ибо-

рат эмас эди. Вазифаси "Ша-  
матон" ва "Дўхчи" ҚФЙлари  
худудида аҳолининг электр  
энергиясидан қарздорлигини  
назорат қилиш бўлса-да, ис-  
теъмолчиларни турли йўллар  
билан алдаб, пул ундиришни  
касб қилиб олди.

Жумладан, 2014 йилнинг  
26 сентябрь кунини "Шама-  
тон" ҚФЙ худудидаги Сарой  
кишлоғида яшовчи Х.Усмо-  
новнинг уйига бориб, унга  
электр энергиясидан ноқону-  
ний фойдаланиб келганлиги  
учун катта миқдорда қарздор-  
лик вужудга келганлигини ва  
бунинг учун далолатнома ту-  
зишини маълум қилди. Агар  
1 миллион сўм берса, қарз-  
дорлиқни ёпиб, пластик кар-  
тали ҳисоблагич ўрнатириб  
беришини айтди ва хонадон  
эгасидан 1 миллион сўм пул  
олади. Дилшод ушбу пулнинг  
701 минг сўмини Х.Усмонов-  
нинг номидан корхона газна-  
сига қирим қилиб, қолган 299  
минг сўмини эса ўзлаштира-  
ди.

2014 йилнинг октябрь ойи-  
да фуқаро О.Толлиевага нис-  
батан ҳам аввалги ҳийласини  
ишлатади. Унга ҳам 1 милли-  
он 600 минг сўм эвазига  
электр энергиясидан бўлган  
қарздорлиқни бартараф эти-  
шини ва янги ҳисоблагич  
ўрнатириб беришини ваъда  
қилиб, айтилган суммани ола-  
ди. Ушбу пулнинг 483 минг  
сўмини эса ўз эhtiёлжларига  
ишлатиб юборди.

Бундан ташқари, Д.Фаниев  
ўзгалар устидан бўхтон ва тух-  
матлар уюштиришда ҳам ус-  
таси фаранглардан экан. У  
ўзидан аввал ишлаган назо-  
ратчи Фулом Худойбердиев-  
дан ўртадаги адоват туфайли  
ўч олишга фурсат пойлаб  
юярди. Ҳа олиш учун эса тух-  
матни танлади.

2014 йилнинг 4 декабрь  
куни назоратчи Дилшод  
Фаниев Рустам Бобоевнинг  
хонадонига боради. Ушбу хо-  
надон соҳибларининг электр  
энергиясидан қарзи йўқлиги-  
ни яхши билса-да, қўлидаги  
қоғозларга қараб, 1 миллион

сўм қарзи борлигини айтди.  
Аслида бу қарздорлик марҳум  
Қ.Рўзимуродовга тегишли  
бўлиб, назоратчининг қўлида-  
ги қоғоз сохталаштирилган-  
ди. Аммо ҳеч нарсадан хабар-  
сиз бўлган Р.Бобоев назор-  
ратчининг ёлғонларига лаққа  
ишонади. У бундан фойдала-  
ниб, агар ушбу қарзни тўла-  
маса, хорижга чиқа олмасли-  
гини, чунки қарздорлик ком-  
пьютер базасида унинг номи-  
да турганлигини билдиради.  
Бу муаммони ҳал қилиш учун  
эса унинг номидан ёзилган  
аризага имзо қўйиб бериши  
кифоялигини айтди. Ноилож  
аҳволда қолган Р.Бобоев  
назоратчининг таклифига  
рози бўлади. Назоратчи  
Р.Бобоев номидан туман  
прокурорига ёзилган аризани  
почта орқали туман прокура-  
турасига жўнатиб юборди.  
Аризادا аввалги назоратчи  
Фулом Худойбердиев гўёки  
Р.Бобоевнинг уйига 100  
АҚШ доллари эвазига пла-  
стик картали ҳисоблагич ўрна-  
тиб бергани, шунингдек,  
Р.Бобоев Россия Федерация-  
сига ишлаш учун кетгани-  
да турмуш ўртоғидан ҳисоб-  
лагичнинг пломбаси бузилга-  
нини қонуний расмийлаш-  
тирмаслик эвазига яна 100  
АҚШ доллари олганлиги  
баён этилади. Мазкур ариза  
мазмунидан эса Р.Бобоев-  
нинг мутлақо хабари бўлмай-  
ди.

Кейинги ишларда Дилшод  
Фаниев отаси Насибали  
Фаниев билан бирга ҳаракат  
қилади. Ота-бола биргаликда  
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи  
органларга турли аризалар  
ёзиб, фуқаролик ишлари  
бўйича Шаҳрисабз туманна-  
ро суди раиси вазифасини  
бажарувчи А.Жўраев, туман  
суд ижрочилари бўлимнинг  
бошлиғи М.Ашуров, суд иж-  
рочилари И.Худойкулов ва  
Ш.Мўминов катта миқдорда  
пура олишгани хусусида тух-  
матлар уюштиришади. Улар-  
ни шарманда қилиш мақса-  
дида уйдирмалар тарқатиша-  
ди.

Бунга сабаб Дилшоднинг  
отаси Насибали Фаниев 2010  
йилнинг ёзида фуқаро Ч.Қур-  
бонов билан танишиб қолиб,  
унга "Матиз" русумли автома-  
шина олиб беришни ваъда  
қилади ва ундан 4 минг АҚШ  
доллари олади. Орадан вақт  
ўтиб, ҳовли-жойини ҳам сот-  
моқчилигини, агар истаса,  
олишини айтиб, Ч.Қурбонов-  
дан 10 минг АҚШ доллари ва  
42 миллион 500 минг сўм пул  
олади. Бу ҳақда тилхат ҳам  
ёзиб беради.

Ишонч тариқасида уйнинг  
ҳужжатларини беради. Аммо  
Н.Фаниев машина олиб бериш  
ва уйни нотариал расмий-  
лаштиришга шошилмайди. Бу  
ҳам етмагандай, Ч.Қурбонов  
нинг устидан турли органлар-  
га тухматдан иборат аризалар  
ёза бошлайди. Бунга жавобан  
Ч.Қурбонов ҳам ҳақиқатни  
тиклаш мақсадида қарши  
"ҳужум"га ўтади. Ана шунда  
ҳақиқат ошдинлашиб, Н.Фани-  
евнинг устидан жиноий иш  
очилади.

Н.Фаниев ишнинг чаппа кет-  
ганини сезиб, Ч.Қурбоновга  
"Пулни олдим, деб тилхат  
ёзиб беринг, судгача пулин-  
гизни қайтараман", дея илти-  
мас қилади. Ч.Қурбонов унга  
раҳм қилиб, сўраган тилхатни  
ёзиб беради ва ўз навбатида  
ундан ҳам 74 миллион 700  
минг сўмини қайтариб бериши  
ҳақида тилхат ёздириб олади.

Насибали Фаниев судга  
қадаҳ қам ваъдасининг устидан  
қиқмади. Мазкур иш судда  
қўрилиб, Ч.Қурбоновнинг даъ-  
во аризаси қаноатлангилди.  
Н.Фаниев эса суд қароридан  
норози бўлиб шикоят ариза-  
си ёзди. Ушбу иш жиноят иш-  
лари бўйича вилоят судлари-  
да қайта қўрилди, аммо шико-  
ят қаноатлангилди.

Шундан сўнг биринчи ин-  
станция судининг ижро вара-  
қаси суд ижрочилари Шаҳри-  
сабз туман бўлимига юбори-  
лади. Ижрочилар Н.Фаниевни  
оила аъзолари билан бирга  
"Дўхчи" ҚФЙдаги нотураф  
жойдан мажбурий тартибда  
чиқариш тўғрисидаги ижро  
ҳужжатини олиб боришгандан  
сўнг Н.Фаниев ўли билан ари-  
забозлиқнинг бошқача усулига  
ўтишади.

Ота-бола ўз аризаларида  
судья А.Жўраев ишни улар-  
нинг фойдасига ҳал қилиб бе-  
риш эвазига 5000 АҚШ дол-  
лари сўраганлигини, шунинг-  
дек, суд ижрочилари ҳам  
Ч.Қурбоновдан 5000 АҚШ дол-  
лари олганлиги сабабли  
унинг фойдасига иш юриштиша-  
ётгани тўғрисида тухмат гап-  
ларни баён этишади.

Жиноят ишлари бўйича Ки-  
тоб туман суди томонидан  
Дилшод Фаниевга жиноий  
қилмиши учун тегишли жазо  
тайинланди. Шунингдек, На-  
сибали Фаниев ҳам қилмиши-  
га яраша жазосини олди. Унга  
энг қам ойлик иш ҳақининг  
100 баравари миқдорида жа-  
рима жазоси тайинланди.

Тухмат — оғир гуноҳ ва жи-  
ноят. Эндиликда ота-бола ўз  
қилмишлари оқибатини ўй-  
лаб кўришса, ажаб эмас.






## Жамоат транспортида юриш текин бўлди

Лондонда "Oyster" транспорт тўлов картасининг ишламай қолгани сабабли одамлар жамоат транспортларида бир кун мобайнида текинга юришди.

Маълум қилинишича, ушбу носозлик туфайли тармоқ минг-лаб фунт фойдадан қуруқ қолган. Энг қизиғи, ушбу носозлик шаҳарда жамоат транспортларида юриш тарифи оширилган куннинг эртасига содир бўлган.

Шаҳар транспорт бошқармасидагилар ушбу воқеага техник носозликлар сабабли бўлганини айтишмоқда.



## Ака-ука қўлидаги қумуш

Қозоғистоннинг Россия билан chegaradoш Кустанай вилоятида чегара отряди ходимлари икки кишини иқтисодий контрабанда жинояти содир қилаётганликка гумон қилиб қўлга олди, дея хабар бермоқда "Интерфакс" ахборот агентлиги.

Қайд этилишича, бу шахслар ака-укалар бўлиб, улар янги йилнинг биринчи кунини 40 кг. миқдордаги қумушни ноқонуний равишда чегарадан олиб ўтмоқчи бўлишган. Хабарда келтирилишича, автомобиль текширувдан ўтказилганда, унинг ёнидаги бакида буюмлар мавжудлиги аниқланган.

Инкор қилиш бефойда эканини тушунган автомобиль эгалари бензин бақда плитка кўринишидаги қайта ишланмаган қум-шу борлигини тан олишган.



## Меҳмонхонада ёнғин чиқди

Дубай марказида жойлашган "The Address Hotel" осмонўпар меҳмонхонасида чиққан ёнғин оқибатида 16 киши жабрланган, улардан бири эвакуация қилинаётган вақтида юрак хуржидан вафот этди.

Шу кун меҳмонхонада бўлган барча одамлар эвакуация қилинган. Гувоҳларнинг айтишича, бинонинг баланд қаватларида ёнғин бўлаклар пастга туша бошлаган ва парчаланиб, ўнлаб метрларга сочилиб кетган. Ёнғин сабаблари ҳозирча номаълум, бироқ баъзи гувоҳларнинг айтишича, у юқори қаватларда жойлашган киши боғда бошланган.

## Олимпия стадиони чироқсиз қолди




Рио-де-Жанейродаги Нилтон Сантос номи Олимпия стадиони 250 миң доллар миқдоридаги қарзи сабабли электр таъминотсиз қолди.

Шаҳар мутасаддилари ушбу майдонда уй учрашувларини ўтказувчи "Ботафого" футбол жамоаси томонидан мазкур қарз тўлалиши кераклигини маълум қилишган. Жамоа матбуот хизмати эса тўловлар учун шаҳар ҳукумати жавобгар, деб ҳисобламақда.

Мазкур стадионда 2016 йилда ёзги Олимпия ўйинлари доирасида энгил атлетика бўйича мусобақалар бўлиб ўтиши лозим. Мазкур стадион 2007 йилда Панамерика ўйинларини ўтказиш учун очилган эди.

## Эстонияда янги қонун

2016 йилнинг 1 январидан Эстония қонунчилигига янги ўзгартриш киритилди. Унга мувофиқ, мамлакат ҳудудига яшовчи фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг Эстонияда туғилмаган болалари шу мамлакат фуқаролигига эга бўлади.




"Эстония фуқаролигига эга бўлмаган, ammo мамлакатда узоқ муддат истикомат қилиб келаётганларнинг янги туғилган болаларига фуқаролик берилиши инсонпарварликнинг бир кўринишидир", — деб таъкидлади Эстония ИИВ раҳбари Ханно Пекура.

Унинг ишонч билдиришича, ушбу тузатишлар мамлакат фуқаролик сиёсатига мутлақо таъсир кўрсатмайди. Унинг маълум қилишича, болалар 21 ёшгача иккинчи фуқароликка эга бўлиб туришлари мумкин, ammo ундан кейин улардан бирини танлашлари керак бўлади.

## Мушакбозлик прожиага сабаб бўлди

"Ассошиэйтед Пресс" агентлигининг хабарига қура, Филиппин пойтахти Манила шаҳрида 2016 йилнинг биринчи кунини кириб келиши арафасида ўтказилган Янги йил байрами тадбирлари вақтида уюштирилган мушакбозликлар туфайли 1 киши оламдан ўтди ва 380 киши жароҳатланди. Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазири Жанет Гариннинг маълум қилишича, номаълум шахс маст ҳолда "Хайр, филиппинликлар" номи улкан мушакни ёқиб юборган ва ўзи воқеа жойида олган жароҳати туфайли вафот этган.

Маҳаллий ўт ўчирувчилар шу кунини Маниланинг бошқа чеккаларида ҳам мушаклар отилиши туфайли ёнғинлар содир бўлгани, мингга яқин кулбалар ёниб кетгани ва одамлар жароҳатлангани ҳақида маълум қилишди.



## Хакерлар банкдан пул ечиб олишди

Россияда 31 декабрь кунини номаълум шахслар номи сир тугилаётган тижорий банклардан бири серверини бузиб киришган ва унинг ҳисобидан 95 млн. рублани ечиб олишган. Бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хабарларига асосланиб, "Интерфакс" агентлиги хабар берди.

Манбанинг айтишича, бу ҳодиса куннинг 07:00дан 09:00гача бўлган вақт оралиғида содир бўлган. Жиноятчилар ўғирланган пуллари турли банклардаги ҳисобини ва юридик шахслар номига очилган 690 та ҳисоб рақамга ўтказишган. Ушбу ҳодиса бўйича жиноий иш очилган.

Шунингдек, 1 январга ўтар кечаси ҳам Москвадаги банклардан бирига талончилик ҳужуми уюштирилган. Босқинчилар шаҳардаги банклардан бирига бостириб кириб, нақд пуллари ўғирлашган. Бу жиноят банкка 12 млн. рубл зарар келтирган.

## Менделеев жадвалига яна тўрт унсур

Менделеевнинг даврий жадвали яна тўртта янги унсур билан тўлдирилди. Халқаро назарий ва амалий кимё иттифоқи (IUPAC) сайтида хабар қилинишича, янги унсурлар 113, 115, 117 ва 118-атом рақамлари остига жойлаштирилган.



Янги унсурларни олишдаги асосий қийинчилик шундан иборат эдики, улар энгилроқ моддаларнинг номаълум изотопларига бўлиниб кетади. Таъкидлаш жоизки, жадвалдаги барча янги элементлар сунъий равишда синтез қилингандир. Табиатда урданан оғирроқ (яъни атом рақами 92 дан ортиқ бўлган) унсур мавжуд эмас. Атом рақамлари элемент атоми ядросидаги протонлар сонини акс эттиради.

"RIKEN" институти олимлари Менделеев жадвалининг "японий" номи 113-унсурини кашф қилдилар. 115, 117 ва 118-унсурлар эса Дубнадаги (Москва) Бирлашган ядровий тадқиқотлар институти, Ливермор миллий лабораторияси (Калифорния) ва Ок-Риж миллий лабораторияси (Теннесси) ходимларидан иборат бирлашган АҚШ-Россия илмий ходимлари гуруҳи томонидан очилди.

Янги элементларга вақтинчалик унунпентий (ununpentium — Uup), унунсептий (ununseptium — Uus) ва унунюктий (ununoctium — Uuo) номлари берилди. Беш ойдан сўнг даврий жадвалда уларнинг ҳақиқий исмлари ва 2 ҳарfli ифодалари пайдо бўлади.

Эслатиб ўтамиз, 2011 йилда ҳам Менделеев жадвалига икки янги элемент киритилган эди. Булар 114 ва 116-рақамли флеворий ва левирморийлардир.

## Уюштирилган ўғирлик

Жанубий Қозоғистон вилоятида 17 ёшли қиз ўзининг ўғирланишини ташкиллаштирди. Унинг бу ҳаракатидан мақсади отасидан катта миқдорда пул ундириш бўлган. Маълум қилинишича, 40 ёшли шахс вилоятнинг Сариага туманидаги ИИБнинг полиция бўлимига мурожаат қилган.

У бир кун олдин вояга етмаган қиз бозорга кетиб, уйга қайтмагани ҳақида маълум қилган. Кўп ўтмасдан унга номаълум шахс қўнғироқ қилиб, қизининг озод этилиши учун пул талаб қилган.


Полициячилар "Одам ўғирланиши" моддаси бўйича жиноий иш очиб, текширув ишларини бошлаган. Тезкор-қидирув амалиёти натижасида ўғирланган қизнинг турган жойи аниқланди. Полициячилар уни Чимкентдаги уйларнинг биридан топишган.

Аниқланишича, бу вазиятда ҳеч қандай одам ўғирлаш ҳодисаси юз бермаган. Қизнинг ўзи одамларни ўзини ўғирлаш учун ёллаган. У интернет орқали танишган бир йигитнинг олдига келиб, ўзининг телефонини унга берган ва отасига қўнғироқ қилиб, ундан пул талаб қилишини айтган.

Ушбу шаддод қизнинг ҳеч қарвда ўқимаслиги ва ишламаслиги маълум бўлди. У бундан олдин ҳам бир марта уйдан қочиб кетган экан.

Айни вақтда полициячилар ҳодисанинг тўлиқ тафсилотларини ўрганишмоқда.





## Меҳнатга муносиб рағбат

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 31 декабрдаги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шувратини юксалтириш, халқаро майдонда ўзбек футболни нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Равшан Эрматов "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

Ватанимизнинг юксак мукофоти — "Буюк хизматлари учун" ордени ва Президентимиз соғаси — "Malibu" автомобилли калити Р.Эрматовга тантанали равишда топширилди.

— Халқаро майдонларда Ватанимизни шарафлаш, унинг обрўси юксалишига ҳисса қўшиш — энг олий бахт, — деди Равшан Эрматов. — Нуфузли мусобақаларда ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни исботлашдек эзгу мақсадимизга етишаётганимиздан хурсандимиз. Бу Юртбошимиз раҳнамолигида спортга, спортчиларга, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Камтарона меҳнатларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлагани учун Президентимизга чексиз миннатдорлик билдираман. Бу катта ишонч янада юксак марралар сари рағбатлантиради.

Эслатиб ўтамиз, яқинда ўзбекистонлик ҳакам "Globe Soccer Award" наشري томонидан 2015 йилда жаҳоннинг энг яхши рефереси, деб топилган эди. Нашр талқини бўйича 2015 йилнинг энг яхши ҳаками бўлиш учун Жунейт Чақир, Вильмар Рольдан, Хоэль Агиляр, Бакари Папа Гассам, Норберт Хауата каби ҳакамлар ҳамюртимизга рақобатчилик қилишганди. Ташкилотчилар яқинда айнан Равшан Эрматовни ўтган йилнинг энг яхши ҳаками деб эълон қилишди.



## Пакьяо Мейвезерга реванш таклиф қилди

Профессионал бокснинг саккиз вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони — филиппинлик чарм қўқоп устаси Мэнни Пакьяо 2015 йилнинг кузида профессионал фаолиятини мағлубиятсиз якунлаган америкалик боксчи Флойд Мейвезер билан реванш жангини ўтказиш бўйича таклиф беришда давом этмоқда. Бу ҳақда Boxingscene.com хабар қилган.

Филиппинлик спортчининг сўзларига кўра, у Мейвезер билан жанг ўтказишдан олдин ҳам реванш ҳақида гапирганди.

"Мен Мейвезер билан реванш жанги юзасидан гаплашдим. Унинг жавоби оддий — мен 21 йиллик фаолиятимни якунладим. Менимча, бундай савиядаги боксчи фаолиятидаги сўнгги жангини оддий рақиб билан ўтказиб, якунлашга керак. Мен реванш жанги учун ҳам фаолиятимни тугатмай тураман", — деди Мэнни Пакьяо.

Филиппинлик боксчи жорий йилнинг 9 апрель куни ўзининг навбатдаги жангини Тимоти Брэдлига қарши ўтказди. Ушбу жанг Пакьяо учун фаолиятидаги сўнгги жанг бўлади. Лекин Мейвезер фикрини ўзгартирса, бокс мухлислари яна бир бор "аср жанги"га гувоҳ бўлишди.

Эслатиб ўтамиз, 2015 йил 2 майда Мэнни Пакьяо ва Флойд Мейвезер ўртасида жанг ўтказилган ва у "бокс тарихидаги энг ёрқин жанглардан бири" бўлганди. Ун икки раунд давом этган жанг сўнггида ҳакамлар очколар ҳисоби бўйича америкалик спортчининг галабасини эълон қилишганди. Бу жанг орқали Пакьяо 120 млн., Мейвезер эса 180 млн. доллар ишлаб олган.


## Хамесни Испания полицияси таъқиб қилди

Мадриднинг "Реал" клуби ярим ҳимоячиси Хамес Родригес жамоанинг машғулотлар базасига полиция назорати остида келди.

Хабарга кўра, полиция "Audi" автомашинасини бошқараётган Хамесга йўл четида тўхташни буюрган, аммо у буйруққа бўйсунмаган.

Полициячиларнинг сўзларига қараганда, Хамес автомашинани соатига 200 км. тезликда бошқарган ва "Реал" клуби базаси остонасида уни қувиб етишган.

Футболчи тезликни оширишда ва полицияга бўйсунмасликда айбланмоқда.



## Роналдиньо Европага қайтиши мумкин

Бразилиялик машҳур футболчи Роналдиньо фаолиятини Англияда давом эттириши мумкин. Бу ҳақда 35 ёшли футболчининг акиси ва агенти Роберто де Ассис маълум қилди.

Унинг сўзларига қараганда, Роналдиньода Англиянинг бир неча клубларидан таклиф бор, аммо футболчи Осие ёки Америка клубларига ўтишни истаяпти.

Эслатиб ўтамиз, 2005 йилги "Олтин тўп" соҳибининг охириги клуби "Флуминенсе" бўлган ва у сентябрь ойида клуб билан шартномасини бекор қилган эди.



## Бенитес ўрнига Зидан

Мадриднинг "Реал" клуби раҳбарияти бош мураббий Рафаэль Бенитесни расман истеъфого чиқарди. Бу ҳақда клуб расмий сайти хабар тарқатди.

Шу пайтга қадар "Реал Мадрид Кастилья"га мураббийлик қилиб келган Зайниддин Зидан унинг ўрнига бош мураббий этиб тайинланди. Шартнома 2018 йилга қадар мўлжалланган. Бу ҳақда Marca наشري хабар берди.

Айни дамда "Реал" клуби 18 турдан сўнг 37 очко билан Испания чемпионати мусобақа жадвалида учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Зайниддин Зидан ушбу лавозимга тайинлангани муносабати билан ўзининг фикрларини билдириб ўтди.

"Буюк жамоани бошқариш имконини тақдим этган клуб ва президентида ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Бу мен учун катта бахт. Мен бугун "Реал"га ўйинчи сифатида келганимдан ҳам кўпроқ ҳиссиётларга берилмаман. "Реал" сўзсиз дунёдаги энг яхши жамоа. Жорий мавсумда совринларни қўлга киритишимиз учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан", — дейди Зидан.



## Боатенг «Милан»га қайтди

Ганалик футболчи Кевин-Принс Боатенг "Милан" жамоасининг қишки хариллар мавсумидаги илк трансферига айланди.

GianlucaDiMarzio.com порталининг маълумотига кўра, миланликлар ярим ҳимоячи билан шартнома имзолашган ва Боатенг А серияда рўйхатдан ўтказилган.

Эслатиб ўтамиз, 2015 йилнинг декабридан Боатенг "Шальке" клуби билан битимини бекор қилганди. 28 ёшли футболчи бир неча ой давомида "Милан" клуби билан биргаликда шуғулланиб келаётганди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Одил Матхаликовга оласи

**Махпират РАСУЛОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Навоий вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Зулфия Раззоқовага оласи

**Холиқ РАЗЗОКОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Бахтияр Мамбетназаровга оласи

**Махсет МАМБЕТНАЗАРОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Мулоҳаза

Инсоният яралиблики, ўз эҳтиёжларини қондириш, янада яхшироқ яшаш йўлида изланади, кашфиётлар қилади. Ана шундай ихтиролардан бири бўлган компьютер ва уяли телефон одамларнинг орзусини амалга оширишга хизмат қилувчи омиллардан бирига айланди. Бугун кимгадир мактуб йўллашда, ахборот олишда, ҳисоботларни жўнатишда муаммо йўқ. Керак бўлса, дунёнинг у чеккасидаги одамлар билан ҳам бир зумда мулоқотга киришиш учун барча имкониятлар мавжуд.

# Кўз илғамас таҳдид

Фаррух ТОШПҮЛАТОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти матбуот гуруҳи катта инспектори

"Энг қизиқарли хабарлар энди смартфонингизда. Юк-лаб олинг". Албатта, аксарият замондошларимиз бу каби рекламаларга беэйтибор эмас. Маълумотларга кўра, ҳар ойда ер юзидда 450 миллиондан ортиқ киши биргина "Whatsapp" тармоғидан турли мақсадларда фойдаланар экан. Дарҳақиқат, ушбу тармоқнинг имкониятлари жуда катта. "Whatsapp" 2009 йили "Yahoo"нинг собиқ ходимлари томонидан ташкил этилган. Ҳозирги вақтда энг асосий барча операцион тизимлар учун "Whatsapp" версиялари чиқарилган. Албатта, бу жуда қулай электрон тизим ҳисобланади. Бирок, тармоқни яхшилаб ўрганадиган бўлсак, унда кишиларни жалгитувчи, маънавиятга таҳдид солувчи маълумотларни катта фойзани ташкил қилади. Ачинарлиси, тармоқ асосан олди-қочди, тутуриқсиз ёзишмалар ва шу билан бирга, беҳаёликни тарғиб қилувчи видеороликлар, овозли хабарлардан иборатдир.

Бу тармоқнинг тиббиёт нуктаи назардан зарарлари ҳам йўқ эмас. Мазкур митти қутинанинг ўзига яраша бутун вужудимизга зарар келтирадиган жиҳатлари ҳам кўп. Яъни инсон танази, аввало, монитордаги электромагнит нурланшлардан зарарланади. Кўриш аъзоларимиз зўриқади, кўз биз тасаввур қила олмайдиган даражада толиқади. Ахборотларни ўқиш ва уларни синтез қилиш пайтида сизда стресс ҳолатлари юзга келади. Энг аянчлиси, ушбу тармоқдан кун бўйи фойдаланиб, компьютер ва телефондан бўшай олмаган инсонларда соч тўкилиши ҳамда терининг қуриши кузатилади. Шунингдек, улардан кўп фойдаланганда кўзда оғриқлар, ёшланиш, кўз қорачиқлари ва қовоқларнинг қизариши, пешона соҳасида оғриқлар, тез чарчаш ҳолатлари юз беради. Бир сўз билан айтганда, бу аломатлар тиббиётда "дисплей" касаллиги деб номланади.

Тибб илмининг сўлтони Абу Али ибн Сино инсон тана аъзоларини даволаш, аввало, руҳият билан бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслик ҳақида кўп тўхтаган. Нафақат кунини, балки тунини ҳам телефондан бошини кўтармасдан ўтказаятган кимсаларнинг руҳий ҳолати ҳеч қачон тегиш бўлмайди. Аксинча, уларда чарчаш ҳисси ҳамisha устун бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тармоқларни катта бир уммон деб тасаввур қилсак, унга шунгидиганлар турли дунёқарашга эга кишилар бўлиб, афсуски, улар ичида маънавиятсиз, фикри бузуқ инсонлар ҳам бор. Мана шундай одамлар томонидан тарқатилаятган беҳаё, тутуриқсиз видеороликларни ҳали вояга етмаган мурғак қалб эгалари ҳам томоша қилиши уларни зарарча қизиктирмайди.

Яна бир оддий ҳақиқат қалбимизга тикандек санчилади. Бир хондоннинг гуддек бекаси бўлишга арзийдиган қизларнинг суратлари баъзи виждонсиз йигитлар томонидан турли беҳаё қўринишларга келтирилиб, мана шундай тармоқларга тарқатиб юборилаятгани дунё ҳамжамиятининг энг оғриқли томонидир.

Танганинг икки томони бўлгани каби ушбу тармоқнинг ижобий томонларини ҳам келтириб ўтишни лозим топдик. Хусусан, "Whatsapp" мобиль мессенжер хизмати фойдаланувчилар учун янги қулайлик яратган. Эндиликда фойдаланувчилар нафақат матн, видео ва фотосуратларни, балки овозли хабарларни ҳам юборишлари мумкин. Яъни кўзининг нурини кетказиб, бармоқларга азов бериш шарт эмас, бирор хабар ёки янгилик овозда ёзилди ва тегишли тўғма босилиб, манзилга жўнатилади, бас.

Бу тармоқда хабарларнинг тез алмашиши, ўқувчи ўзини қизиктирган саволга зудлик билан жавоб олиши, масофавий билим олиши, ўқувчи ва талабанинг қаерда бўлишидан қатъи назар, аллоҳда бўла олиши, бир ўқувчи бир вақтинг ўзида бир неча ўқувчини билан ишлаш олиши имкониятларининг мавжудлиги ёшларимизга қулайлик туғдиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вақтимиз ва нақдимизни сарф қилиб фойдаланадиган ҳар қандай машғулот бизга фақат фойда олиб келсагина у олтинга тенг бўлади. Бирок унинг акси бўлса-чи?.. Буни баҳолаш эса ўзингизга ҳавола.

# «Хуқуқ» доимо ҳамроҳингиз бўлсин



Бахтиёр НАЗАРОВ,  
Бош муҳаррир ўринбосари

Мана, янги 2016 йилнинг илк кунларида сиз, азиз ўқувчилар билан юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, хотиржамлик ва оқсоғи-таликка ҳафтанома саҳифаси орқали яна дийдор кўришиб турибмиз. Бу паллада ҳар бир меҳнат жамоаси ўтган йилги фаолиятини таҳми қилиб, келгуси ишларни режалаштириб олиш тарафларини кўриши табиий ҳол.

Поёнига етган 2015 йилда мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари янги босқичга кўтарилди. Халқимиз турмуш фаровонлиги, иқтисодиётимиз юксалганлиги, қудратли бунёдкорлик ишлари кенг кўлам касб этгани шундан далолат беради. Ўз навбатида матбуот соҳаси давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли ОАВ жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга доир 10 га яқин қонун қабул қилиниб, давр талабидан келиб чиқиб қўллаб қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Буларнинг барчаси фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда, ахборотнинг муҳофазаси қилинишида, матбуот ва ОАВни янада либераллаштиришда муҳим ҳуқуқий қафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган даврда соҳа ривоси учун давлат бюджетига хисобидан кредитлар, ижтимоий буюртмалар ва давлат грантлари шаклида катта маблағлар ажратилгани ҳам ОАВга бўлган эътиборнинг яна бир ифодасидир.

Бевосита "Хуқуқ" газетасининг ижодий фаолиятига тўхталадиган бўлсак, ўтган йили нашримизнинг 52 та сони обунчаларга тўлиқ етказиб берилди. Саҳифаларимизда прокуратура органларининг жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти изчил ёритилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажли-

сида тақдим этган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да илгари сурилган тараққиётимизнинг устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар кўламига бағишланган мақолалар чоп этилди. Қонунчилик тарғиботи йўналишида қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ва тушунтириш ишларига устувор аҳамият берилди. Тадбиркорлик фаолиятига доир қонунлар ижроси, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, одам савдосига қарши курашиш, фуқароларнинг муҳофазатлари каби долзарб мавзулар диққатимиз марказида бўлди. "Кексаларни эъозлаш йили" Давлат дастури ижросига бағишланган мақолалар ҳам газета саҳифаларидан жой олди.

Матбуотнинг жамият ҳаётидаги, демократик ислохотлар жараёнидаги ўрнини, ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтириш, меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларида давлатимиз томонидан кўрсатилаятган эътибор тахририятлар зиммасига катта масъулият юклаш, биздан фидойиллик талаб этилишини фаолиятимизда доимо ёдда тутишимиз даркор.

Шу нуктаи назардан гапирганда, янги йилда ҳам доимо ҳаётимиз олдинги сафларида бўлишга интилиш касбимиз такозосидир. Чунки биз ҳаётимизнинг барча соҳаларида чуқур ислохотлар олиб борилаётган ўзгаришлар даврида яшаямиз. Мустақилликнинг ўтган йилларида одамларнинг ҳуқуқий савияси янада юксалди. Бу эса уларнинг ҳаётдаги ижтимоий, сиёсий фаолиятида ўз аксини топмоқда. Шунга яраша аҳолининг ҳуқуқий ахборотга бўлган талаби ҳам ортиб бораётгани табиий ҳол. Ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқини били-

ши, қонунларни ҳурмат қилиши, унга амал қилиб яшаш учун аввало, ҳаётнинг ўзи қонунлар тарғиботини замон талаблари даражасида олиб бориш, бу ишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан тўла фойдаланишни тақозо этмоқда.

Бу мақсадлар ўз навбатида матбуот олдига янги вазифалар қўймоқда. Янги йил режалари ҳақида ўйлар эканмиз, яна қайси ишларни амалга ошириш лозим, унга давр талабига ҳамнафас қандай ўзгартишларни киритиш керак, деган саволни сизлар билан баҳамжиҳатликда ҳал этиш ўринли деб ўйлаймиз, албатта. Zero, бизнинг мақсадимиз газетани сизнинг энг яқин ҳамқорингизга айлантириш, унинг мазмун-мундарижасини янада яхшилашдир. Албатта, нашр мавзулари доирасини кенгайтириш, хусусан, давлатимиз раҳбарининг ОАВ ходимларига касб байрами муносабати билан 2015 йилда йўللанган табриғида билдирилган маънавиятни, халқимизнинг азалий ва муқаддас қадриятларини асраш, уни ёшлар онги ва қалбига чуқур сингдириш масаласига эътиборни қучайтириш йўлидаги изланишлар давом эттирилади. Zero, инсон онгини заҳарлайдиган, ташқаридан кириб келаётган турли қўринишдаги зарарли гоёлардан ёшларимизни асраш, уларнинг маънавий-ҳуқуқий, мафқуравий иммунитетини қучайтириш орқали ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада қалам тасбратаятган ҳамкасбларимиздан, ҳуқуқшунос олимлар ва бошқа ижод аҳлирдан янги йилда ҳам шу мавзуга бағишланган қизиқарли мақолалар кутамиз.

Албатта, газетанинг ўқишлигини оширишда, аҳоли талаб ва эҳтиёжини ўрганиш, сиз билдирадиган тақлиф ва мулоҳазалар ҳам биз учун қимматлидир. Шу мақсадда ўқувчиларимизга қуйидаги саволлар билан муносабат этишни лозим топдик.

1. Газетамиз саҳифаларида яна қандай мавзуларга кенг ўрин берилишини истайсиз?  
2. Нашр руқнларини бойитишга оид қандай тақлифларингиз бор?

3. Газета ташки безагини, дизайнини яхшилаш юзасидан фикр ва мулоҳазаларингиз.

4. Уларда берилаётган суратларга муносабатингиз.  
"Хуқуқ" фаолияти ўқувчиларимизни бефарқ қолдирмайди ва улар бунга ўз муносабатини билдириди, деб умид қиламиз. Тақлиф ва мулоҳазаларингизни бевосита тахририят манзилга ёки электрон почта орқали йўллашингиз мумкин.

**Huquq**  
yuridik gazeta

Muassis:  
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKSUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Hakimboy HALIMOV  
Guinoza RAHIMOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul ko'nb)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahoo  
"U'lovom ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85

E-mail:  
[huquq@huquq-gazeta.uz](mailto:huquq@huquq-gazeta.uz)

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriq qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
□ — tijorat materiali.

Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma s-4836. 42 127 nusxada bosildi.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G. ALIMOV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV  
Navbatchi: O. DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 12 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188 raqam bilan ro'y xatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004